


O'ZBEKISTON
REPUBLICASI
Конунчлик ва хуқуқ-тартибот учун!
МВД

ГАЗЕТА 1930 ИИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 13 октябрь, пайшанба • 41 (3622)-сон

ШИЖОАТЛИ ФАРЗАНДЛАРИНГ ХИЗМАТИНГА ШАЙ, ЭЛИМ!



УШБУ СОНДА:
БЕВОСИТА МУЛОҚОТ
ГИЁҲВАНДЛИК-
УМР ЗАВОЛИ

10

Кўнгил мўлкига
бир назар



16

ШИРИН СЎЗ –
ЖОН ОЗИҒИ



21

МУШТАРИЙЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятидаги (“Постда” ва “На посту” газеталари) 18 октябрь – сеъшанба куни соат 10.00 дан 13.00 гача одамларни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш ва ноқонуний равишда хорижга олиб чиқиш мавзусига бағишлиланган бевосита мулоқот бўлиб ўтади. Унга Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хукуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг етакчи мутахассислари, шунингдек, “Истиқболли авлод” нодавлат, нотижорат ташкилоти вакиллари тақлиф қилинган.

Мулоқот иштирокчиларига куйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 132-05-51, 139-70-40, 133-61-64. Саволлар олдиндан ёзма равишда ҳам қабул қилинади.

Манзилимиз: 700029 Тошкент шаҳри, Ю. Ражабий кўчаси, 1.

Мўлжал: метронинг
“Космонавтлар” бекати.

Мустақиллик маҳалласи Мирзачўл туманинаги ўзномига ҳамоҳанг, тобора обод бўлиб бораётган гўшалардан биридир. Шинам гузар ва шу ерда қад ростланган милиция таянч пунктининг ўзи кўзни қувнатади. Бир отахон бино ичкарисига кириб маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар комиссияси, маҳалла посбонлари ва бошқа жамоат ташкилотлари жойлашган хоналарнинг эшигини бирма-бир очиб, шароит билан қизиқди. Кейин шундоқсина милиция таянч пунктни яқинидаги стадионда тўп тепаётган болаларни кузатиб турди-да, тўғри профилактика инспекторининг ҳузурига кирди.

— Аҳолига қулайлик, фарзандларимизга эса шунчалик шароит яратиб берадётганинг учун сизларга раҳмат, — деди у манин бўлиб.

— Саломат бўлинг, отахон, — деди профилактика инспектори, майор Ширинбой Болижуков. — Сиз биздан ҳам кўра кўпроқ давлатимиз раҳбарларини дуо қилинг. Уларнинг соҳамизга эътибори туфайли шу даражага эришавимиз.

Профилактика инспектори ҳақ гапларни айтди. Кейинги пайтда мамлакатимизда ички ишлар соҳасини қайta шакллантириш учун тайлинина ишлар қилинмоқда. Президентимизнинг бир қатор фармонларида ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсад ва устувор йўналишлари белгилаб берилиди. Ўтган давр мобайнида ушбу Фармонлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинди, бунинг натижасида профилактика, тергов, жамоат тартибини сақлаш ва бошқа хизматлар такомиллашиб бораяпти. Ўтказилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, милиция ҳалқа яқинлаши, ички ишлар идораларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, соҳавий хизмат-

лар ўтасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилди, ППХ саф бўлима-ларининг фаолияти марказлаштирилиб, тезкорлиги ва жанговарлиги таъминланди. Кинология хизмати ривожлантирилди. Суд-хуқуқ тизимида ислоҳотлар на-

яқинида рўй берган ҳодиса диққатга сазовордир. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Ишдан қайтаётган фуқаронинг йўлини икки маст тўсиб, нимадир талаб қила бошлашди. Икки ўргада низо келиб чиқди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай воқеа жойига “Нексия” келиб тўхтаб, ундан пост-патруль наряди тушди. Ҳуқуқбузарлар машинага ўтказилаётган пайтда “Тико”да бошқа бир наряд пайдо бўлди. Ходимларнинг қўлларидаги рациялар ишлаб турарди. Нафақат поитахтимиз, вилоятларда ҳам ана шу тарзда — куну туннинг исталган пайтида ҳу-

лан алоқаларни кенг йўлга қўйиб, жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ходимлар, айниқса, ёш кадрларнинг мавқеини оширишга алоҳида эътибор берилаланти. Шу маънода ИИВ ҳузуридан ҳарбийлаштирилган мактаб-интернат, ИИВ Академиясида эса Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилгани бежиз эмас.

Шундай экан, ички ишлар ходимлари ҳам кўрсатилаётган ғамхўрликларга яраша муносиб жавоб беришавитми? Албатта. Айни пайтда республика ҳуду-

рат намуналарини кўрсатдилар. Биргина 1990 йил 17 февраль куни Бўка тумани марказида рўй берган воқеани ёдга олайлик. Ўшанда бир тўда ғаламислар шундай ҳам ижтимоий муаммолардан толиқкан одамлар орасига нифоқ солишга уринганди. Шу пайт юртбошимиз келиб, бир ўзи, соқчисиз тўппатуғри оломон ичига йўл олди. Қариялардан бирининг отини олиб миндида, ҳалқа мурожаат қилди. Шу тариқа рўй берини мұқаррар бўлиб турган оммавий тўқнушувнинг олди олиниди.

Ички ишлар ходимлари ўзларида давлатимиз раҳбарига хос бўлган

Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида сўзлаган маърузасида: “Ҳеч шубҳасиз, мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг дараҷаси, унинг амалий са-мараси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот, прокуратура ва суд органлари тизимининг ўзида бу иллатта қарши қандай кураш олиб бориладигани билан боғлиқдир” деб бежиз таъкидламадилар. Одатда фуқаролар ички ишлар идорасига бошларига бирор иш тушганда келишади. Шундай дамларда уларнинг дардига малҳам бўлиш ўрнига бирор нарса ундириш мақсадида таъмагирлик қилаётган ходим ҳар қандай нафратга лойик. Кўча-кўйда баъзан юриш-туриши, муномаласи ва ўзини тутиши “Касб одобномаси” талабларига мутлақо жавоб бермайдиган ходимларга кўзимиз тушади.

Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти соҳани ана шундай қусурларга эга, иопок, ўз манфаатини Ватан, юрт, ҳалқ манфаатидан устун кўядиган ходимлардан тозалаш учун барча чора-тадбирларни кўрайти.

Бундайлар орамизда кам, бармоқ билан санарли даражада. Ҳалқимиз уларни қоралаган ҳолда келажакка тик боқсан, юрт ободлиги, ҳаёт фаровонлиги йўлида шижаот кўрсатиб, тинчлик ва осойишталикни сақлашга муносиб ҳисса қўшаётган ўғлонлари билан фархланади. Ватан ҳимоясига бел боғлаган шундай азамат, зийрак, мард посбонларимиз бор экан, элимизда фаровонлик ҳукм суришига ҳеч қандай шаклубча йўқдир.

Саъдулла Шодиев.

дидаги 9900 дан ортиқ маҳалла бор. Профилактика инспекторларининг бошқа хизматлар, маҳалла посбонлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу масканларда жиноятлар камаймоқда, вояга етмаганлар ўтасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қувончили натижаларга эришилаланти.

Шижаот — мардлик, жасурлик, фидойиликни англатади. Ички ишлар ходимлари бу борада юртбошимиздан ўрик олсалар арзиди. Бундай дейишимизга асос бор. Мустақилликка эришилган дастлабки йилларда давлатимиз раҳбари Фарғона, Ўш, Вобкент ва бошқа жойларда кўп марта жасо-

засида жиноий жазоллар либералаштирилди, яқининада Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги, “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказини тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Булардан кўзланган мақсад аввало миллий анъаналаримиздан келиб чиқсан ҳолда, инсонпарварлик тамойиллари таъниб ҳалқимиз манфаатларини ҳимоя қилиши. Қолаверса, ҳуқуқтартибот идоралари ходимларига тинчлик, осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун барча қулийликларни яратиб беришдан иборат.

Пойтахтимизнинг “Эски жўва” бозори тижасида жиноий жазоллар либералаштирилди, яқининада Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги, “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказини тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Булардан кўзланган мақсад аввало миллий анъаналаримиздан келиб чиқсан ҳолда, инсонпарварлик тамойиллари таъниб ҳалқимиз манфаатларини ҳимоя қилиши. Қолаверса, ҳуқуқтартибот идоралари ходимларига тинчлик, осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун барча қулийликларни яратиб беришдан иборат.

Пойтахтимизнинг “Эски жўва” бозори

МУНОСАБАТ

ЖУРНАЛИСТ ХОЛИС БЎЛМОГИ КЕРАК

Шу йил май ойида Андижонда рўй берган воқеаларни ташкил этишида айбланаётган 15 нафар шахс устидан ўтказилаётган суд жараённи жаҳон жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимларида катта қизиқши уйғотаётти. Суд жараёнини холис ёритаётган журналистлар борлигини эътироф этиши жоиз. Шу ўринда улар учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаш лозим. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олиш, суд иштирокчилари билан сұхбатлашиши ва табиийки, тегишли хуносалар нишарни имкониятига эгадирлар.

Бироқ ушбу жараённи мутлақо нохолис ёндошган ҳолда ёритишга интилаётганлар ҳам учраияпти. Бундай чиқишилар гаразгўйлик, бир ёқламалилик, ҳақиқатдан йироқ, далил-исботсиз, бичиб-тўқишига асосланган. Энг муҳими, келтирилаётган маълумот қайси манбалардан олингани ноаниқ. Сўзсиз, бундай мақолаларга

нисбатан муносабат билдириласлигимиз ҳам мумкин эди. Бироқ муаллифлар зўр бериб қорани оқ деб аюҳаннос солишаётгани дилни ранжитаётти.

Шу ўринда бир мисол келтирасак. “Фергана. Ру” сайтида Би-би-сидан олингани манбага таяниб “Тошкентдаги судда судланётганлар қийноқ остида кўрсатма беришга мажбур

қилингани” деб номланган ахборот ўрин олган. Уни ўқиган одам худди қанотли туюни кўргандек ёқасини ушлади. Нима ҳам дердик, турган-битгани уйдирма. Хатбошида исмашарифи номаълум бўлган Республика Ички ишлар вазирлигининг собиқ ходимининг гумондорларни уриб, дори ичириб кўрсатма беришга ундашаётти, деган сўзлари ёзилган. Кейинги жумла янада ҳайратли — “изи қолмаслиги учун уларнинг жигари, бўйраги ва думғазасига уриштапти”. Ўша ахборотда яна бир “усул” ҳақида кўпиртириб ёзилган: гумондорга газниқоб кийдириб, унинг ҳаво ѹўлини беркитиб бўғишаётган эмиш. Шунингдек, психотроп модда юбориб хотини, фарзандлари, яқин қарин дошларига нисбатан таҳдид

қилингани экан. Яъни улар ўрта асрларга хос усулларда турли кўз кўриб, қулоқ эшишмаган қийноқларга солинаётган экан. Кўриниб турибдики, муаллифлар ўз олдиларига тергов жараённи — ваҳшийлик, ёвузлик ва қонунга итоатсизлик сифатида акс-эттиришни мақсад қилиб кўйган. Бу аянчли тафсилотлар баёни кишини ҳайратта солади. Муаллифнинг ўзи мазкур маълумотларни “тасдиқлаш ҳам, инкор этиш ҳам мумкин эмаслиги”ни тан олади.

Бундан қандай хуносада чиқариш мумкин? Муаллиф — но маълум, баён этилган маълумотлар — далил-исботга эга эмас. Мақоланинг боши ҳам, охири пойнтар-сойнтар гаплардан иборат. Сафсатадан бошқа нарса эмаслиги аён. Одатда Ўзбекистон Республи-

каси ИИВ Бирлашган таҳририятида томонидан аноним хат ва аризалар инобатта олинмайди. Бироқ ушбу ҳолатта кўз юмиб кетиши инсофдан бўлмайди. Унинг буюртмачилари ким эканини билib олиш қийин эмас. Аммо ҳозир гап бунда эмас.

Гап шундаки, матбуотда ёритиляётган ҳар бир сўз аниқ ва ошкора бўлиши лозим. Тарафкашликка, иккىёқламалилик ва мавхумликка йўл қўйиш керак эмас. Ана шунда журналистнинг сўзи ўкувчининг қалбидан жой олади. Айрим журналистлар эса шов-шув кетидан қувиб ваъда қилинган “олтин төғ”нинг шульласига маҳдиё бўлиб, оқибатда ҳақиқатга ҳиёнат қилишади.

Ваҳоланки, қалам аҳли ҳар қандай шароитда ҳам ҳар доим мунисипалитетларни лозим.

А. СТЕПАНОВ.



Ўзбекистон Республикаси давлат суворенитетини ҳимоя қилиш учун зарур билимларга эга бўлган, ички ишлар хизматига вижданан ёндашувчи, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга маҳорати етарли, зарур ҳолларда, жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар идораларининг куч ва во-ситаларидан самарали фойдалана оладиган ходимлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган олий курсларда ўқиш олти ой давом этади. Бу ерда ички ишлар

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙӮЛИДА

лиш, миллий мафкурага асосланган дунёқарашга эга бўлишлари ва уларни ўз фаолиятларида ифода эта олишлари талааб этила-

Ички ишлар тизимларида ўтказилаётган ислоҳотларда шахсий таркиб сафларини ҳар томонлама етук мутахассислар билан тўлдириш асосий талаблардан деб белгиланган. Ана шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг Қарорига биноан республика ИИВ Академиясида сержантлар таркибини тайёрлаши бўйича олий курслари ташкил этилди.

эттиришяпти, — деди сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари бошлиги, полковник С. Тангибердиев. — Жойлардан билим даргоҳимизда тълим-тарбия олиб, ҳозирда намунали хизмат қилаётган ходимлар ҳақида мин-

бир мутахассислик бўйича тайёрланаётган курсантларга алоҳида жиҳозланган аудиторияларда машғулот ўтилади. Масалан, қўриқлаш хизмати учун зарур бўлган қўриқлаш пульти, йўл-патруль хизмати учун эса ҳаракат хавфсизлигини

натдорчилик хатлари келяпти. Бухоро вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими алоҳида милиция батальони сардори, капитан У. Фаттоев батальонда взвод сардори бўлиб хизмат қилаётган кичик сержант Нажмиддин Атоевнинг бошқаларга ўрнак бўлётгани ҳақида ёзган. Фарона вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиги, подполковник Р. Абдуллаев ППХ батальони гурух сардори, кичик сержант Н. Сайфиддиновнинг хизматига яхши фикрлар билдириб, унга тълим-тар-

таъминлаш воситаларининг намуналари қўйилган. Курсантлар назарий билим олиш билан бирга техник воситаларни амалда қўллаб кўрадилар.

Ҳар бир курсант машғулотларнинг услубий қўлланмаси, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Ҳарбий-тактик, ўқотиш, саф машғулотлари маҳсус жиҳозланган иншотларда олиб борилади. Машғулотларда асосий эътибор курсантларнинг фавқулодда вазиятлар ва террорчилик хуружларига дуч келганда тезда ҳаракат



ди. Шунингдек, курсантлар инсон билан инсон, жамият, атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни тартибиға соловчи асосий ҳуқуқий ва ахлоқий қоидаларни билиши, амалиётда қўллай олиши, ўзи танлаган мутахассислик бўйича замонавий техника ва технологияларни ишлата олиши керак. Бундан ташқари компютерда яхши ишлай олиши, ўз хизмат фаолиятини ташкил этиши ҳам талааб этилади. Ҳар бир курсант соғлом турмуш тарзи тушунчасига эга, жисмоний жиҳатдан чиникан, жангвар қуролларни қўллашни пухта эгаллаши шарт.

Курсларнинг иккичи босқич битирувчиларига яқинда диплом топшириш мурасими бўлиб ўтди. Тўрт юз нафар курсант ўзлари танлаган мутахассислик бўйича пухта билим олиб, хизматга алоҳида эътибор берилапти.


Билим даргоҳининг биринчи қалдирочлари ўтган йилнинг сентябрь ойида ўқишига қабул қилинганди. Дастилаки 200 нафар курсант олий курс машғулотларини ўтагач, хизматга юборилди.

— Ўқишини тугаллаган сержантларимиз аллақачон жойларда хизматни давом

қилиш тактикаси, усулларини пухта эгаллашларига қаратиляпти.

Курсантларнинг касб маҳорати ва билим савиасини ошириш мақсадида ўзлари танлаган мутахассислик бўйича иш ўрганишлари учун жойларда амалиёт ўтасади. Улар республика ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, республика ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ИИБ тизимларида ўтказилаётган амалий машғулотларда билимларини янада мустаҳкамлашашапти.

Фуқаролар ички ишлар ходимларига асосан ҳуқуқий масалаларда мурожаат этишади. Ходим ҳар қандай саволга жавоб бераби, тушунтириб бера оладиган бўлиши лозим. Шуни ҳисобга олган ҳолда кур-




жисмоний тайёргарлик машқларидан ташқари спортивинг футбол, волейбол, самбо, кураш, қўл жанги каби тўғаракларига жалб этилган. Машғулотларни малакали спортчилар ўтишяпти.

Ўтган йили 600 ўринли ётоқхонани таъмирлаш ишлари бошланганди. Айни кунларда ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилган ётоқхона курсантларни ихтиёрига берилган. Бу ёрда машиш шароитлардан ташқари дарс тайёрлаш, маданий ҳордик чиқариш учун ҳам қулайликлар етарли. Айниқса, жисмоний тарбия машқлари учун тренажерлар қўйилганидан кўпчилик хурсанд.

Тартиб-интизомга қаттий риоя этилишига эришилаётгани курсантлар ҳар бир машғулотни пухта ўзлаштириб олишларидан муҳим омил бўляпти. Бу эса хизмат самараорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Сержантлар тайёрлаш олий курслари фаолияти ҳақида яна кўп илик гаплар айтиш мумкин. Академия раҳбариятининг сайди



ҳаракатлари курсантларнинг юртимизда тинчлик ва осойишталиктин сақлаш ўйлида фидойилик кўрсатидиган ҳақиқий посбонлар бўлиб этишишларига хизмат қилмоқда.

Ф. САҶДУЛЛАЕВА, майор.

Суратларда: ИИВ Академияси Сержантлар таркиби-ни тайёрлаш олий курслари фаолиятидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар

Мен кўп йиллардан буён "Постда" газетасини мунтазам ўқиб келаман.

"Постда" газетасининг шу йил 6 октябрь сонида устозим Озод Шарафиддиновнинг бу ёруғ оламдан кўз юмганинни ўқиб, асло ишона олмадим.

Устозим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳақида гап кетгандан кўз ўнгимда қирра бурун, ҳамиша ораста кийинадиган, хушмуомала, нигоҳи ўткир, қадамлари шахдам, ўқувчиларига нисбатан ғоят меҳрли адабиёт фани ўқитувчиши – Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг ёшгина аълочи талабаси гавдаланади.

Қизиги, 8-10 синф-

УСТОЗ ХОТИРАСИ ҚАЛБИМИЗДА

ларда ўқиб юрганимизда бизга олий маълумотли адабиёт фани ўқитувчиши Убайдулла ака Салоҳиддинов эмас, Озод ака сабоқ берган эдилар.

Эсимда, 1949–1951 йилларда адабиёт фанидан дарслар бўлмагани учун домла ишга терилик маржондай чиройли ҳарфлар билан ёзилган қўллэзмаларини қолдирилар эдилар. Биз дарсдан кейин қўллэзмадагиларни дафтари мизга кўчириб олардик.

Озод ака ўта талабчан эдилар. Эркин мавзуларда иншолар ёзириб; мустақил фикрлашга ўргатардилар. Баҳо қўйишида ўта "хасис", қаттиқ ёзилар. Кимки ишони бирор манба-

дан кўчириб ёзса, уни қайси газета ёки журналандан кўчирганини бехато айтиб, ўз фикри билан бошқатдан ёзишини талаб қиласидилар.

Шу боис ҳам устозда фақат "4" баҳога ўқиган болалар олий ўқув юртларига ҳеч қийналмай беш баҳолар билан кирган. Устоз сумкаларида ҳамиша газета, журнallар олиб юрар, кўп ўқирдилар. Маъруза қилгандар ёки она тили фанидан ўтган дарсларини онгимизга шунчалик "қўйиб" қўйганларки, ўша пайтлар олган сабоқларим ҳамон ёдимда. Устозимнинг берган пухта билими туфайли мен шифокор бўлиб етишдим ва устозимни даволовчи шифокори бўлиш баҳтига муяссар бўлдим.

Домла ўта ноёб хотира соҳиби эдилар. Орадан 54 йил ўтган бўлса-да, 1949–1951 йилларда Ҳадра даҳасидаги 59-мактабда ўқитган юзлаб собиқ ўқувчиларининг нафақат исмлари, фамилияларимизга адашмай айтишлари бизни лол қолдириларди.

Яхшидан ном қолади. Устозимдан ҳам қобил фарзандлар, набиралар, биз каби минглаб шогирдлар, юзлаб илмий асарлар, маржималар, фалсафий китоблар қолди.

Устозимиз, адабиётшунос олим, хассос, камтар инсон, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг хотириси унинг шогирдлари, ҳамиротлари қалбидаги ҳамиша барҳаётдир.

**Мўътабархон БОҚИ
қизи Азлархонова
(Каримжонова),
мехнат фахрийи**

қисқача маъруза қилди. Шундан сўнг аскарларни истеъфодаги полковник Н. Чурсинов Коровул қўшинлари тарихий музейи экспонатлари билан таништирди. Ёш аскарлар қайта тиббий қўрикдан ўтказилиб, ҳарбий кийим-кечак билан таъминландилар. Тантанали кутиб олиш тадбирни муносабати билан ёш аскарларга ош тарқатилди. Шундан сўнг ёш аскарлар ҳарб илмини пухта ўрганиши учун ўқув базасига жўнатилди.

Бундай тадбирлар ИИВ Коровул қўшинларига қарашли барча ҳарбий қисмларда давом этмоқда. Биз ёш аскарларимизнинг Ватан олдидаги йигитлик бурчларини аъло дараҷада ўтаб, ёруғ юз билан соғ-саломат ота оналари бағрига қайтишиларига тилакдошмиз.

**Баҳридин
ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.**

Наманган шаҳридаги "Спартак" ўйингоҳида аҳоли хавфисизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларининг олдини олишида ҳуқуқни муҳофаза этиши идораларига яқиндан ёрдам берган маҳалла посбонларидан айримларини ички ишлар идоралари сафига қабул қилиши маросими бўлиб ўтди.

САРАЛАБ ОЛИНДИ

– Биргина Наманган шаҳрида фаолият кўрсаттан маҳалла посбонларидан 50 нафари ўз сафимизга

батта, улар посбонлик даврида ички ишлар идоралари фаолияти билан яқиндан танишиши. Соҳи йўналишларига қўнишиди. Ўйлайманки, бундан кейинги хизмат вазифаларини адо этишларида қийналишмайди.

Маҳалла посбонлари ички ишлар идораларининг заҳираси сифатида иш бошлашган эди. Эътиборли томони, уларнинг 74 нафари жисмоний, ахлоқий ва руҳий тайёргарликдан ўтиб, синов асосида танлаб олинди.

**Рустам НУРИДДИНОВ,
камта лейтенант.**

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ ...

Жўра Аъзамович Аъзамов

Бешафқат ўлим ички ишлар идоралари фахрийи, Республика ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси, устозимиз, истеъфодаги генерал-майор Жўра Аъзамович Аъзамовни 76 ёшида орамиздан олиб кетди.



Жўра Аъзамович 1930 йилда

Тошкентда таваллуд топди. Тўлиқиз ўрта мактабни тутатгандан сўнг, майда саноат корхоналарида ишлаб юрди, кейин Тошкент милиция мактабига ўқишга кирди. Ички ишлар ходими мутахассислигини эгаллаб, Тошкент шаҳридаги бир қатор ички ишлар идораларида турли лавозимларда хизмат қилди. Асосан тезкор вакил бўлиб пойттахтада жиноятчиликка қарши курашда фаол иштирок этди. Тажрибали ходим сифатида раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1972 йилда Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг ўринbosari этиб тайинланди. 1980–1982 йилларда эса республика ИИВ Жиноят қидирив бошқармасига раҳбарлик қилди.

Кейинчалик Жўра Аъзамов республика ИИВ хузуридаги Кўриқлаш бирлашмасига бошлиқ бўлди. Ички ишлар идораларида бой тажриба тўплаган, раҳбарлик лавозимларида ўзини кўрсатган Жўра Аъзамов Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди. Унинг раҳбарлигида вилоят ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқаролар хавфисизлигини таъминлаш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Ж. Аъзамов қандай лавозимда ишламасин, ўзини ташкилотчи раҳбар, касб фидойиси, жиноятчиликка қарши курашда жонини ҳам аямайдиган ходим сифатида намоён этиб, бошқаларга ўрнак бўлди, хизматлари муносиб тақдирланди.

Қарийб 40 йил ички ишлар идораларида хизмат қилиб, генерал-майор унвони билан нафакага чиқди. Бироқ шунга қарамай ИИВ Фахрийлар кенгаши ишида фаол иштирок этди.

Бугунги кунда унинг кўплаб шогирдлари республика ички ишлар идоралари тизимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида турли лавозимларда хизмат қилмоқдалар.

Ажойиб инсон, устоз ва мураббий Жўра Аъзамович Аъзамовнинг порлоқ хотириси қалбларимизда мангу яшайди. Марҳумнинг оила аъзоларига чукур ҳамдардлик билдирамиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти,
шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгashi.**



ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигига Германия Федератив Республикаси бојхона криминал полицияси президенти жаҳон Карл-Хайнц Маттиас ташириф буюрди. Германиялик меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosari, полковник А. Кўлдошев қабул қилди.


Суҳбат давомида вазир ўринbosari мамлакатимиздаги гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ вазиятга батафсил тўхтади, гиёҳвандлик моддаларининг ноқоний айланишига қарши кураш ва бу ишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда бојхона хизмати билан ҳамкорликнинг аҳволи ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида бојхона полицияси пре-

зиденти сўз олиб, Германия давлатида бу борада олиб, борилаётган ишларга тўхталди.

Бўлиб ўтган ўзаро суҳбат тажриба алмашига имкон берди ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқоний айланишига қарши кураш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қиласиди.

Ўз мухбиришим.

Янги Орлеандо полициячилар
“Associated Press” (“AP”) гурухининг азосига ҳужум қилишиди. Сабаби, журналистлар полициячиларнинг бир мастишини қандай калтаклашаётганини тасвирга туширишаётган эди.



Германияда христиан-демократлар ва социал-демократлар ўртасида бир ойдан бўён давом этаётган баҳс-мунозаралар ўз ниҳоясида етди. Ниҳоят, томонлар Германия тарихида илк бор мамлакат ҳукуматига аёл киши – ХДС етакчиси Ангела Меркель раҳбарлик қилишига келишиди. Базъи маълумотларга қараганда, Герхард Шрёдер ўзига тақлиф этилган Ташки ишлар вазири лавозимини рад этиб, сиёсат майдонидан кетишини айтган.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

“AP”нинг маълумотлари қараганда, бир полициячи бар ёнида турган кишини урган. У қаршилик кўрсатгач, тўрт нафар “осойишталик посони” ҳалиги кишини ерга ётқизиб калтаклашган. Шу пайт полиция офицери юз берадиган воқеаларни тасвирга тушираётган продюссер Рич Метьюзга камерани ўчиришини буюрган. Метьюз бунга жавобан ҳужжатини кўрсатиб, ўз ишини қилаётганини айтган. Шунда полициячилар уни машинага тақаб, қорнига уриб, жўнаб қолишини талаб қилишган.

Видеотасвир Янги Орлеан полицияси раҳбариятига топширилгач, калтаклашда иштирок этган уч полициячи қўлга олинди. Уларга ўзгаларни калтаклаш бўйича айб эълон қилинди.



БИР БИТИМГА КЕЛИШДИ

Айни пайтда социал-демократлар партияси тузилажак коалицион ҳукумат таркибида муносиб ўрин оладиган бўлди. Унинг вакиллари ўзаро келишувга кўра ташки ишлар, меҳнат, соғлиқни сақлаш, молия, адлия, транспорт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва иқтисодий ҳамкорлик вазирликларига раҳбарлик қилишади.

Германия ҳукуматининг янги сиёсати ҳақида бир ойлардан сўнг фикр юритиш мумкин бўлади. Чунки коалицион ҳукумат таркиби борасидаги музокаралар 12 ноябрда ўз якунига етади.

ҚУРБОНЛАР СОНИ ОШМОКДА

Жанубий Осиёда кучли зилзила оқибатида қурбон бўлғанлар сони 40 минг кишига етиши кутиляпти, дега ёзди Покистонинг “The News International” газетаси. Журналистларнинг маълумотлари қараганда, якшанба куниёқ бу раҳам 35 мингга етганди. Фақат Покистонинг Кашмир вилоятининг ўзида дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича, 30 мингдан зиёд одам нобуд бўлган.



UNICEF вакиллари ҳалқаро ҳамжамиятни зилзиладан жабр чекканларга ёрдам кўрсантиш учун Покистонга камида 20 миллион АҚШ доллари ажратишини чақирган. Бу пуллар уй-жойдан ажралган оиласларга вақтингчалик бошпана ташкил этиш, уларни озиқ-овқат, ичимлик суви ва бошқа энг зарур нарсалар билан таъминлаш учун сарфланади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ер силкиниши оқибатида 2,5 миллиондан ортиқ киши бошпанасиз қолган.

АҚШ ҳукумати зилзила оқибатларини тугатиш ва жабрдийдаларга ёрдам кўрсантиш учун 50 миллион доллар ажратишини маълум қилди. Илгарироқ Жаҳон банки раҳбари Пол Вулфовиц мазкур молиявий муассаса Покистондаги ер қимирилаши оқибатларини тугатиш мақсадида 20 миллион АҚШ доллари ажратиляжигини маълум қилган, ушбу давлатга ёрдам бериш ниятида бўлган мамлакатларни мазкур йўналишдаги фаолиятларини мувофиқлаштиришга чақирган эди. Покистон ҳукумати ушбу табиий оғатни миллий фожиа дега ўтироф этиб, ҳалқаро ҳамжамиятга ёрдам сўраб мурожаат қилди.


Хиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатларида эса қурбон бўлғанлар сони 700 дан ошиди. Минглаб одамлар бошпанасиз олишган, тури даражада жароҳатланишган.

РАШК САБАБМИКАН?

Якшанба куни Тожикистоннинг пойтахти Душанбе шаҳрида – йирик озиқ-овқат дўкони ёнида портлаш юз берди. Оқибатда 25 ёшли қиз ҳалок бўлди. Ўша яқин орада болалар ўйнаётган эдилар. Хайрятки, улардан ҳеч бирита зиён етмади. Фақат чорраҳа яқинидаги турган машинанинг ойналари синди, холос.

Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, қиз иўлни кесиб ўтётганида сумкасида нимадир портлаб кетган. У касалхонада оғир жароҳатлари туфайли вафот этиди.

Аввалига милиция ходимлари буни баҳтсиз тасодифга йўйишган эди. Яқинда Тожикистон Республикаси ИИВ Матбуот хизмати бошлиги журналистларга бу борада аниқроқ маълумот берди. Унинг айтишича, “ТК-мобайл” уяли алоқа компанияси ҳисобчиси Шароф Ироилов яхши кўрган қизи билан жанжаллашиб қолган. Жаҳа, рашк устида унга “РГД-5” гранатасини улоқтирган.



ИККИ ЖАНГАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНГАН

Россиянинг Каспийск шаҳрида жангарилар билан тўқнашув юз берди. Доғистон ички ишлар идоралари вакилларининг айтишича, отишма чогида иккя нафар жангари йўқ қилинганди. Уларнинг шахси аниқланыпти. Бошқа тағисиотлар ҳозирча маълум қилинмаганди.

Каспийск Доғистоннинг нотинч нуқталаридан ҳисобланади. Жумладан, ўтган ўйни август ойидаги босқинчилар милиция машинасини ўққа тутиб, милиция подполковники Гаджи Абдуразоқов ва милиция майори Александр Грошевни ўлдиришган эди. 2002 ўйлардан 9 майда содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида эса 43 киши нобуд бўлган, 130 дан зиёд одам яраланган. Улар орасида ҳариялар ва болалар ҳам бор эди.

ЙЎЛ ХАТАРГА ТЎЛА

Хитойда йўл-транспорт ҳодисаси туфайли 22 киши ҳалок бўлди. Воқеа Чжэцзян провинциясининг Ҳучжоу шаҳрида юз берди. Йўловчи ташидиган автобус такси билан тўқишишиб чуқурлиги 6 метр келадиган дарёга кулаб тушди. Автобусдаги йўловчилардан 14 нафаринингина кутқаришга муваффақ бўлниди. Таксидаги 4 киши эса ёнгил шикастланди, холос.

ПАРИЖНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА...

Машхур француз актёри Жан-Юг Англадни Парижнинг қоқ марказида – Сана бўйида, Биби Мариям ибодатхонаси олдида калтаклаб, тунаб кетишиди. У бемаҳалда уйига қайтаётган бўлган. Санъаткорнинг театр бўйича агентининг сўзларига қараганда, актёрга ит етаклаган эркак ва аёл ҳужум қилган. Уни ерга йиқитиб, уриб-тепиб, қимматбаҳо нарсаларини олиб, воқеа жойидан яширинишган. Жан-Юг Англад тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

БОШЛИҚ ВАЪДА БЕРДИ

Воронеж Давлат меъморчилик-қурилиш университетининг талабаси – перулик 18 ёшли Алихелс Уртадо Энрико Артуро 9 октябрь куни номаълум кимсалар (тахминан 15 киши) томонидан калтаклаб ўлдиришган эди. Бу безорилар дастидан яна иккя хорижлик талаба тан жароҳати олиб, касалхонага тушган.



11 октябрь куни хорижлик талабалар Воронежда оммавий норозилик намойини уюштириши. Улар шаҳар маъмурит биноси олдида 30 дақиқалар тўпланиб туришиди. Талабалар олдида вилоят ИИББ жамоати хавфсизлиги милицияси бошлиги Юрий Виктор чиқиши қилиб, қотилларни топишга вайда берди. Илгарироқ Россия ИИВ вакиллари мазкур ишни Ички ишлар вазирининг ўринбосари ўз назоратига олганини маълум қилган эдилар.

КАТТА МУВАФФАҚИYАТ

Япония полицияси катта муваффакиятта эришиди. Мамлакатда фаолият кўрсатган йирик ҳалқаро жиноий гуруҳ заарсизлантирилди. Жиноятчилар автомобиль ўғирлашга ва ўғирланган машиналарни сотишга ихтисослашган эди. Ушбу жиноятта алоқадорликда гумон қилиниб салкам 50 киши кўлга олинди. Улар орасида ўнга яқин хорижлик фуқаро ҳам бор. Полициянинг тахминича, уюшган жиноий гуруҳ 2003 ўйи январидан бўён фаолият юритиб келган. Унинг азозлари Хонсю оролининг бир неча префектурасида иш кўришган, 500га яқин машинани ўғирлашган. Жабрдийдаларга етказилган зарар 9 миллион АҚШ доллари атрофилда баҳоланаётганти.

Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўн олтийил тұлды. Лекин тилимиз тарихи узоқ үтмишга бориб тақалади. Уншында сұзлашув сифатида пайдо бўлгани ҳақида турли таҳминлар айтилади, аммо ёзма шаклда қўллашилаётганига кўп далиллар мавжуд. Ўрхун-Энасой битикларидан тортиб, Юсуф Хос Ҳожибинг “Кутадгу билиг”иганча, ундан ҳозирги кунгача она тилимизда ёзилган, битилган китоблар шулар жумласидандир.

Тарихдан маълумки, араблар истилосидан кейин ўлкамизда араб тилини ўрганиш бўйича ҳаракатлар жадаллашган. Чунки у даврларда араб тили халқаро мақомда бўлган. Шунинг учун ҳам улуғ алломаларимизнинг аксарият асарлари шу тилда ёзилган. Шунингдек, ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги давлатларда ҳужжат юритиш асосан форсий тилда олиб борилган. Ўзаро сұзлашув, муомала, мулоқотда эса ўзбек тили асосий ўрин тутган.

Бадиий адабиётда ҳам форс-тожик тили кўпроқ ўрин олгани сабабли айрим шоирлар, тарихчилар ўзбек тилини менсимай, бу тилда гўзал фазал, достонлар ёзб бўлмайди, деб камситишга уринишган. Бироқ

ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ МИЛЛАТ РИВОЖИДАГИ АҲАМИЯТИ

Саккокий, Лутфий каби улуғ шоирлар ўзбек тилида ажойиб асарлар ёзиб, адабиётимизни гўзал дурданалар билан бойитишган.

Ўзбек мумтоз адабиётининг беназр асосчиси, мутафаккир шоир Алишер Навоийни тилимизни ривожлантириш, жаҳон саҳнасида олиб чиқишида бекиёс хизмат қилган аллома сифатида улуғлаймиз. Унинг жаҳон мумтоз адабиёти дурданаларидан ҳисобланган Ҳамса, яъни беш достони ўзбек тилида ёзилган. Шунингдек, ҳамсачиликда энг мукаммал асар сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари Навоий ўзбек тилида ёзилган фазал, муҳаммас, рубой ва бошқа жанрдаги асарларидан катта девон тузган. Бу билан ўзбек тили нақадар бой, нағис ва сермаюно эканлигини амалда ислоблаган.

Асрлар давомида ўзбек тилида кўплаб бадиий, тарихий, илмий асарлар яратилди. Уларнинг аксарияти жаҳоннинг нуғузли музейларида сақланяпти. Шунинг ўзиёқ тилимизга қадим даврлардан бошқа халқларининг қизиқиши катта бўлганидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, юртимиз кўплаб истилочилар томонидан таланган, бойликларимиз ташиб кетилган. Бироқ ҳеч бир босқинчи ҳалқимиз сұзлашадиган, муомала қиласидан маҳрум қила олмаган.

Алишер Навоийдан кейин мумтоз адабиётимизнинг атоқли намояндлари Бобур, Машраб, Отойи, Нодира, Муқими, Фурқат, Завқий сингари шоирлар ўзбек тилида кўплаб асарлар ёздилар. Уларнинг барчasi жаҳон адабиёти ҳазинасида муносиб ҳисса бўлиб қўшилди ва кўплаб мамлакатларга тарқалди.

Она тилимизда ёзилган бадиий, тарихий, илмий асарларнинг юртимиздан ташқарига чиқиши, ҳорижий давлатларда қизиқиб ўрганилиши аввало миллатимиз шаъннинг ошишига хизмат қилди.

Шўролар даврида ҳам юртимиздан атоқли олимлар, шоирлар, ёзувчилар етишиб чиқди. Уларнинг илмий, бадиий ижодидан ҳорижий давлатдагилар ҳам баҳраманд бўлиши. Бироқ, ушбу асарларнинг аксарияти рус тилига таржима қилиниб,

Шўролар номидан чет элга чиқариларди. Илмий асарлар асосан рус тилида ёзилар, ўзбек тилида ёзилганлари ҳам рус тилига таржима қилиниб, кейин чоп этиларди. Шу тариқа аждодларимиз эъзозлаб, ривожлантириб келган она тилимиз юртимиздан нарига чиқолмаган.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилингандан кейин ўзбек тили мустақилликка эриши. Шу ўринда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганини тор маънода, яъни она тилида ёзиш, ўқиши, гапириши ҳуқуқига эга бўлганимиз, жой номлари ўзбекчалаштирилганини тушунмаслик керак. Зоро, тил тўғрисидаги қонун ва унинг ижроси кўп нарсаларни талаб этади. Олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Жумладан, биринчи галда тилимизнинг кейинги истиқболини ўйлашими зарур. Бунинг учун назарий, амалий илмий тадқиқотларга кенг ўрин берилиши, қўллаб-қувватланиши лозим. Токи тилимиз такомиллашиб,

тарақкий этган давлатлар тили қаторидан ўрин олишига имкон берилсин. Унтилиб кетган нутқий бойликларимизни тиклаш, бошқа тиллардан кириб келган айрим сўзлардан тозалаш, айнан тил тараққиети учун хизмат қиласидан дастурлар тузиш талаб этилади.

Шу ўринда гарчи шаҳар, қишлоқларда жой номлари, турли хил кўрсаткич ёзувлари, реклама, эълонлар, кўргазмали воситаларнинг асосий қисми ўзбек тилида эканлиги кувонтирса-да, сўзларнинг ёзилишида имло хатоларга йўл кўйилгани дилни хира қиласиди. Айниқса, лотин имлосида битилган пешлавҳаларда бундай нуқсон кўп учрайди. Республика излаб чиқариладиган айрим саноат, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг ёрликларида, идишлар, қадоқларда ги ёзувларда ҳам жузъий камчиликлар кўзга ташланади. Бунга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Чунки маҳсулотларимизнинг бир қисми қўшни республикалар ва хорижий давлатларга чиқарилалоати. Мутасадди раҳбарлар бунга жиддий этибор қилишлари шарт.

Давлат тили миллатимиз ривожи учун хизмат қиласидан кимат экан, унинг имкониятларини кенгайтишига эътиборни куайтишишимиз керак. Токи жаҳоннинг нуғузли минбарларидан ўзбек тилининг ҳам жағранглаб эшитилиши орзу эмас, ижобат бўлишига эришайлик.

ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

Тошкент вилояти ИИБ тергов бошқармаси ходимларининг вилоят адвокатлар ҳайъати аъзолари билан “Дастлабки тергов жараёнида фуқароларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлашда юзага келаётгани муддатлар ва уларни бартараф этиши чоралари тўғрисида” мавzuуда давра сухбати бўлиб ўтди.

Унда вилоят ИИБ тергов бошқармаси бўлим бошлиғи, майор А. Қорақўзиев маъруза қилиб, Юртошимиш ташабуси билан жамиятимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар олиб борилаётганини таъкидлadi. У Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кейинги пайтда қабул қилинган қатор Фармонлари ҳамда қарорларидан келиб чиқсан ҳолда, ички ишлар идораларидан тергов сифатини ошириш ва инсон ҳуқуқларини халқаро андозалар асосида ҳимоя қилиши ташкиллашириш масалаларига тўхталди. Шунингдек, вилоят ИИБ тергов тизимларида гумонланувчи ва айланувчиларни ҳимоя ҳуқуқи билан қонунда кўрсатилган муддатларда таъминлашда айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди.

Вилоят адвокатлар Ҳайъати раёсати раиси Р. Ашрапов сўзга чиқди. У тергов-суринширув жараёни бўйича танқидий муддатларини билдириб, камчиликларни бартараф этиши юзасидан ўзининг баъзи таклифларини ўртага ташлади.

Мулоқот сўнгидаги дастлабки тергов идоралари ходимлари ва ҳимоячилар ўртасида дастлабки тергов давомида қонунчилик ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик механизmlарини ишлаб чиқиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Хива шаҳри ҳамда туман ҳудудида жойлашган 240 та меъморий обида ва 15 та каттакичик миноралар юртимиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

Ичон қалъа давлат қўриқхонаси деворининг узилиги 2600 метрни ташкил қиласиди. Ҳозирда Қўриқхонанинг 10та бўлими фаолият кўрсатмоқда. Шулардан тиббиеёт, маориф, маънавият, мусика, халқ ҳунармандчилари каби музейлар мамлакатимиз фуқаролари ва хорижий меҳмонлар хизматида.

Хива тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими Ичон қалъа давлат қўриқхонаси иниг бўлинма бошлиғи Сайдулла Абдураимов. — Фарзандларим ҳунарман, эски шаҳарда яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Юртимиз кўрки Хиванинг меъморий ёдгорликларини кўриқ-

мининг 25 нафар соқчи ва 6 та ўйналиш милиционерлари томонидан кечаю-кундуз қўриқланмоқда. 4 объект марказий кузатув маскани орқали назорат қилинади.

— Қўриқлаш бўлими ходимлари ва эркин ёлланган соқчиларнинг хизматидан мамнунман, — дейди Ичон қалъа музей қўриқхонаси директори Ботир Даҳлетов. — Уларнинг ҳар бири ўз касбининг фидойилари десам, янгишмайман. Айниқса, фуқаролар ҳамда хизматчилар билан мулоқотда ўзларини тутиши, муомаласи уларнинг “Касб одобномаси”га бўлган эътибори нақадар юқори эканлигини кўрсатмоқда. Кўхна ва ҳамиша навқирион Хиванинг мафтункор жамоли, юқсак маҳорат билан сайқал берилган бетакрор миноналарини томоша қилиш учун бугун бутун дунёдан минглаб сайёхлар ташриф буюришмоқда.

Жаҳон дурданалари қаторидан ўрин олган, бобомерос шаҳримизнинг муқаддас ёдгорликларини келажак авладга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган қўриқлаш бўлими ходимлари билдирилаётган ишончдан руҳланиб янада самарали ишлашадиги ҳаракат қилмоқдалар.

Бекмурод УСМОНОВ,
катта сержант.

ЮРТИМИЗ КЎРКИ

Буғунги кунда ҳар 4 та ишчалик тарихий обида ва 15 та каттакичик миноралар юртимиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

Ичон қалъа давлат қўриқхонаси деворининг узилиги 2600 метрни ташкил қиласиди. Ҳозирда Қўриқхонанинг 10та бўлими фаолият кўрсатмоқда. Шулардан тиббиеёт, маориф, маънавият, мусика, халқ ҳунармандчилари каби музейлар мамлакатимиз фуқаролари ва хорижий меҳмонлар хизматида.

Ичон қалъа тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор М. Отаев ҳамда иншоотларни қўриқлаш бўлими бошлиғи С. Абдураимовлар сухбатлашишмоқда.



Суратда: Ичон қалъа музей қўриқхонаси директори ўринбосари (ўнгдан) Р. Искандаров, музей қўриқхона директори Б. Даҳлетов, Хива тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор М. Отаев ҳамда иншоотларни қўриқлаш бўлими бошлиғи С. Абдураимовлар сухбатлашишмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ҲАМЖИҲАТЛИК – ОСОЙИШТАЛИК АСОСИ

Айни вақтда ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла фаолларининг мустаҳкам ҳамкорлиги, улар томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг мунтазам олиб борилаётгани тинч ва осуда ҳаётни таъминламоқда.

Пойтахтимизнинг марказий қисмими ўз ичига олган Шайхонтохур тумани маҳаллалари фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Бугунги кунда мавжуд эллика яқин маҳалладаги милиция таянч пунктлари ислоҳот талаблари даражасида ташкил этилган.

– Илгари туманимизда бор-йўғи 45 нафар участка нозири фаолият юритарди, – дейди туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, майор Бахтиёр Эгамбердиеv. – Ҳозирги кунда профилактика инспекторларимиз сони 125 нафарни ташкил этади, 500 нафарга яқин маҳалла посбонлари эса елкадош бўлиб хизмат қилишяпти. Улар бевосита истиқомат жойларида содир этилиши мумкин бўлган тур-

ли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, юз берган жиноятларни очиш, шунингдек, аҳоли ўртасида профилактик чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Маҳалла фаоллари – оқсоқол, хотин-қизлар қўмитаси раиси, диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи ва бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда аниқ дастурлар асосида фаолият олиб борилаётгани жиноятчиликнинг олдини

олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда яхши самара бераяпти.

Ҳуқуқий демократик жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутади. Бу борада тумандаги ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий мавзуларда учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш анъанага айланган. Тадбирларда фуқаро-

ларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга ҳам ҳаракат қилингапти. Иш билан банд бўлмаган одамларни ишга жойлаштириш, маҳалланинг ўзида иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаетир. Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожлантирилаётгани ва ҳар томонлама кўллаб-кувватланётгани бунга пухта замин яратяпти.



ИШОНЧ ОРТИБ БОРМОҚДА

Амударё тумани ИИБ ҳузуридан қўриқлаш бўлими ходимлари меҳнат интизомига қатъий амал қилишади. Эҳтимол бу бўлим бошлиғи, майор Тўлибий Ситхановнинг талабчанилигидан-дир. Шу сабабли бўлимда ўрнатилган тартиб интизом ютуқлар омили бўлаяпти.

4.45 Москва: инструкция по применению. 5.10 «МОЙ ГЕРОЙ». Комедия. 5.45 Мульти сериал. 6.10 «Глобальные новости». 6.15 «Эй, Арнольд!». 6.40 «Приключения Джимми Нейтрона, малыши-гении». 7.05 «Губка Боб Квадратные штаны». 7.30 «Русская усадьба». 8.00 «Химия на кухне». 9.00 «Эльвира - ПОВЕЛИТЕЛЬНИЦА ТЫМЫ-2». 9.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». 10.00 «Ребята из детского сада». 10.30 «Дети из детского сада». 11.00 «Дети из детского сада». 11.30 «Дети из детского сада». 12.00 «Дети из детского сада». 12.30 «Дети из детского сада». 13.00 «Дети из детского сада». 13.30 «Дети из детского сада». 14.00 «Дети из детского сада». 14.30 «Дети из детского сада». 15.00 «Дети из детского сада». 15.30 «Дети из детского сада». 16.00 «Дети из детского сада». 16.30 «Дети из детского сада». 17.00 «Дети из детского сада». 17.30 «Дети из детского сада». 18.00 «Дети из детского сада». 18.30 «Дети из детского сада». 19.00 «Дети из детского сада». 19.30 «Дети из детского сада». 20.00 «Дети из детского сада». 20.30 «Дети из детского сада». 21.00 «Дети из детского сада». 21.30 «Дети из детского сада». 22.00 «Дети из детского сада». 22.30 «Дети из детского сада». 23.00 «Дети из детского сада». 23.30 «Дети из детского сада». 24.00 «Дети из детского сада». 24.30 «Дети из детского сада». 25.00 «Дети из детского сада». 25.30 «Дети из детского сада». 26.00 «Дети из детского сада». 26.30 «Дети из детского сада». 27.00 «Дети из детского сада». 27.30 «Дети из детского сада». 28.00 «Дети из детского сада». 28.30 «Дети из детского сада». 29.00 «Дети из детского сада». 29.30 «Дети из детского сада». 30.00 «Дети из детского сада». 30.30 «Дети из детского сада».

ШАНБА,

22

**«Ўзбекистон»
телеқанали**

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Кушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли телесериал.
9.30 «Олтин мерос».
9.40 «Хидоят сари».
10.00 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Рангнамон».
2. «Дидар».
10.30 «Оналар мактаби».
10.50 «Юртимизнинг гузал масканлари». Кўкон шахри.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан». Телесериал.
12.05 «Келин-куёв». Телемошша.
13.05 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 «Оҳанрабо».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Жаҳонгашта». Бадиий фильм.
16.20 «Шахсий фикр».
«Болалар сайёраси»:
16.55 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.10 «Олтин мерос».
17.15 «Рамазон тұхфаси».
17.40 «Олтин мерос».
17.50 «Минг бир ривоят».
18.00 «Оқшом наволари».
18.15 «MAGGI® @ Олтин ошона».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Ўзлотто». Телетеряя.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Мехр кўзда».
20.55 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Киноафиша».
22.20 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.30 «Хоним ва кароқчи». Бадиий фильм.
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар»
телеқанали**

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иклим.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 «Эсмәральда». Телесериал.
9.50 Табобал оламида.
10.15 Ватанпарвар.
11.15 ТВ-анонс.
11.20 Мели Юсуф. «Чеч», Аброр Хидоятов номидаги Узбек давлат драма театрининг спектакли.
12.55 Менимча.
13.00 Давр.
13.15 ТВ-анонс.
13.20 Дар мавзуси.
13.35 «Кино SMS» танлови.
13.40 Орзулар канотида.
14.10 Интерфутбол.
15.50 Мумтоз наволар.
16.00 Давр.
16.15 Менимча.
16.20 ТВ-анонс.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: Билагон маслаҳати.
16.50 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
17.05 Бола тилидан.
17.35 Парламент вақти.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Менимча.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ишдан кейин.
20.00 Енимдаги баҳт.
20.05 Нуридин Аскarov кўйлайди.
20.30 Оқшом кўнгироклари.
20.35 Кутимаган меҳмон.
21.00 «Кино SMS» танлови.
21.10 «Муҳаббат ва этирос». Телесериал.

**«Тошкент»
телеқанали**

«Тошкент» телеканали ижодкорлари «8.00-13.00 «Гача дебномланган кўнгилочар инфомациян мусикий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Болажонлар экрани».
18.50 CFI-таддим этади: «Еввойи ҳайон болалари». 5-6-кисмлар.
19.40 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.00 «Экспресс» телегазетаси.
20.20 «Табриклиймиз, кўтлаймиз».
20.50 «Биргаликда куйлаймиз».
21.35 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 Кинонигоҳ: «Кўрсатув тайёрлаш маҳақатлари».
23.35-23.40 Хайрли тун, шахрим!

**«Sport»
телеқанали**

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.40 «Хабарлар» (Рус тилида).
9.10 «Три окна». А. Маркович.
9.50 «Вулкан».
11.00 «Спортивный английский».
11.10-11.40 «Спорт салтанати».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Хабарлар».
18.20 «Болалар спорти».
18.40 «Спорт - менинг хайётим».
18.55 «Футзал чорраҳапариди».
19.15 «Мари Лестер». Короткометражный фильм.
19.20 «Хабарлар».
19.30 «Кино SMS» танлови.
21.10 «Муҳаббат ва этирос». Телесериал.

«ОРТ»

4.30 Кино. «Принцесса Лебедь поет песни»
5.00 Новости
5.10 Фильм «Пять вечеров»
7.00 Играй, гармонь лобимая!
7.40 Слово пастыря
8.00 Дисней-клуб
9.00 Новости
9.10 «Три окна»
9.50 «Никита Михалков. Свой среди своих»
Док. фильм
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.00 «Василий Шукшин. Последние 24 часа»
13.00 Комедия «Дети понедельника»
14.50 «Райкин, сын Райкина»
15.40 Юбилейный концерт Ларисы Рубальской
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Мари Лестер». Продолжение юбилейного концерта Ларисы Рубальской

«Sport»

9.20 «Детский час»
9.40 Док. фильм
10.15 «Юлдузлар табриги», мусикий дастури
11.15 Док. сериал на узбекском языке
12.00 «Операция ы или другие приключения Шурика», комедия
13.30 «Хит парад - плюс»
14.30 «Шоубизнес янгиликлари»
14.50 «Болалар соати»
15.30 «Аёллар орзуси»
16.00 Мультсериял
17.00 Программа передач
17.05 Мультфильм
17.30 Анонсы
17.35 «Япониянинг ёввойи табиити»
20.00 «Пойтахт плюс»
20.20 «Нима учун?»
21.00 «Туризм ҳақида»
21.30 Кинонигоҳ: «Ер Ер»
22.40-22.45 Хайрли тун, шахрим!

«ОРТ»

7.30 «Хабарлар».

7.50 «Бодрое утро».

8.40 «Хабарлар» (Рус тилида).

9.10 «Непутевые заметки».

9.30 «Пока все дома».

10.20 «Веселые картишки».

11.00 «Ракибингиз грос-смейстер».

11.20-12.20 Жаҳон спорти: «Снукер».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Талкин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.

18.55, 21.55 Иклим.

19.00 «Давр» ҳафта ичада.

18.50 Мафтунингман, диёрим!

18.55, 21.55 Иклим.

19.00 «Давр» ҳафта ичада.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 «Закатор». Интеллектуал үйин.

20.25 Сув-ҳаёт манбаи.

20.30 Мумтоз наволар.

20.40 «Гал йўқ» ижодий гурухи таддим этади: «Маслаҳат».

21.25 «Кино SMS» танлови.

21.35 «Муҳаббат ва этирос». Телесериал.

22.15 «Кино SMS» танлови.

22.15 «Кино SMS» тан

— Абдукарим Абдурахмонович, юртимизда ўлим жазосининг бекор қилиншига сабаб нима? Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши 12-13 май кунлари Андижонда бўлиб ўтган воқеалар билан боғлиқ, деган гаплар ҳам юриди...

— Ўлим жазоси ҳақида гап кетгандага миллий қонунчилигимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шашни, қадр-қиммати ва бошқа даҳисиз ҳукуқлари олий қадрят сифатида белгиланганини айтиб ўтмоқ зарур. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бутун бизнинг ҳукуқий доктринализ мутлақо янгила, демократик тамоилларга асосланган. У аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳукуқларининг устуворлигини таъминлайди.

Бундан ташқари Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлиси-даги маъруzasida: “Суд-ҳукуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлганд ҳана бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир”, – дед алоҳида таъкидлаган эдилар. Юқоридаги Фармон буннинг амалий ифодаси, жамиятимиз ҳаётида улкан воқеа бўлди. Бу Фармонни ҳукуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги 1994 йилдан бўён амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг мантиқий давоми, деб билмоқ лозим.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳукуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми саналган суд-ҳукуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди. Унга кўра, юртимизда суд – ҳукуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари, жиноят жазолар тизимини изчилик билан босқичма-босқич либераллаштиришдан иборат. Президентимизнинг ташаббуси

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилгач, биринчи галда инсон омилини улуғлаш, шу билан бирга, қонун устуворлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда собиқ тузумдан қолган қонунлар қайта кўриб чиқилди. Суд – ҳукуқ тизимини эркинлаштириш ва демократиялаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Бу борадаги ижобий ўзгаришлар Республика мизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир. Президентимизнинг шу йил 1 августда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ги Фармони инсонпарварликнинг олий босқичи, дейиш мумкин. Биз Республика ИИБ ЖИЭББ бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник А. Шодиев билан учрашиб, ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан кўпчиликни қизиқтираётган саволлар билан мурожаат қилдик.

ЕЖАМИЯТГИМИЗ ҲАЁТИДАГИ УЛКАН ВОҚЕА

билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи-сессиясида қабул қилинган ва 2001 йил октябрь ойида амалга киритилган “Жиноят жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Конуни, шунингдек, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгаришлари, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилгани мазкур соҳадаги демократик ислоҳотларнинг самараси бўлди.

Суд – ҳукуқ тизимини эркинлаштириш ва демократиялаш мақсадида босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёқ бошланганини ҳисобга олсақ, унинг мантиқий давоми

бўлган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” ги Фармоннинг жорий йил май ойида Андижонда юз берган воқеаларга умуман алоқаси йўқлиги аён бўлади.

— Ўлим жазосини бекор қилиниши мамлакатимиздаги ички ишлар идоралари, хусусан, жазони ижро этиши муассасалари ходимлари зиммасига қандай вазифалар юклайди?

— Ушбу Фармонда ички ишлар идоралари, жумладан, жазони ижро этиши тизими зиммасига муҳим вазифалар юкланди. Бу гунти кунда мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Фармон талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари, меъёрий ҳужжатларга кўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиб, Әдлия вазирлигига тақдим келди. Бу борада кадрлар тай-

ёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратганимиз. Чунки бундай муассасаларда ишлайдиган ходимлар билимли, соғлом, шу билан бирга руҳан кучли бўлишлари лозим. Бундан ташқари, ривожланган хорижий давлатлардаги жазони ижро этиши тизимлари томонидан умрбод ва узоқ муддатли жазони ўташ билан боғлиқ суд ҳукмларини ижро этиши борасида амалий таъкиба тўплаш мақсадида мутасадди ходимларни хизмат сафарларига юбориш кўзда тутилган.

— Ўлим жазосини бекор қилиниши мамлакатдаги криминоген вазиятга қандай таъсир кўрсатади, деб ўйлайсиз?

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармонда гап айрим мамлакатларда бўлгани каби ўлим жазосига мараторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазони қачон ижро этилишини кутиб ётиши эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда.

Худди шу мақсадда ўлим жазоси бекор қилинган давлатлардаги криминоген вазиятлар таҳлили ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятларнинг ошишига олиб келмаслигини кўрсатди. Масалан, Литвада 1996 йилдан бўён бирорта жиноятчига ўлим жазоси берилмаган, шундай бўлса-да қотиллик жиноятлари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Грузияда ҳам 1997 йилнинг ноябрь ойида ўлим жазоси бекор қилинган. Криминоген вазият эса тобора яхшиланмоқда, қасддан одам ўлдириш жиноятлари сезиларли, даражада камаймоқда. Бошқа давлатларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Мақсад жазолаш эмас, тарбиялаш экан, аҳоли Юртбошимизнинг инсонпарварлик, бағрикенгликка асосланган ушбу Фармоннинг моҳиятини чуқур анграб етсагина кутилган натижага эришамиз, яъни жиноятлар сони камайиб бораверади.

— Жиноят содир этган ва суд ҳуқми билан узоқ муддатга ёки умрбод қамоқ жазосига ҳуқм қилинганларни сақлаш муассасасининг бошка муассасалардан фарқи қандай бўлади?

— Биз иш тажрибасини ўрганган хорижий давлатлардаги каби мамлакатимизда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар сақланадиган муассасалар маҳсус тартибли бўлиши, 1 ёки 2 та маҳкум битта камерада сақланishi, ҳар бир маҳкум 4 кв. м. ҳажмдан кам бўлмаган яшаш майдони билан таъминланши кўзда тутилган.

— Бундай маҳкумларнинг озодликда қолган ўй-жойи, мол-мулки, оиласи, мерос масалалари қандай ҳал қилинади?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари, меъёрий ҳужжатларга киритиш таклиф қилинган ўзгариш ва қўшимчаларда ушбу масалалар ҳам кўзда тутилган. Бу масалаларни қонуншуносларимиз ҳал қиладилар.

Шахзода ХУДОЙБЕРДИЕВА сұхбатлаши.

га ташлаған далиллар олдида ожиз қолиб айбини тан олди ва бўлган воқеани гапириб берди.

Аббос ўша куни кечқурун Охунбобоев тумани Сурхепа қишлоғи худудидан ўтган катта йўл бўйида Шерзод билан ўзаро жанжаллашишганлиги тўғрисида маълумот олинди. Гумонланувчи Аббос ўша куни Шерзод билан йўл четида учрашиб, гап талашиб қоладилар. Ўша низодан кейин унинг юзида, қўлларида ва танасининг бошка қисмларида шилинган излар қолган. Шифоҳонага учраб, ток урганини баҳона қилиб, жароҳатларини даволаттан. Дастроб у тезкор ходимлар билан сұхбатда ҳақиқатни яшириб, Шерзод Қодировни билмаслиги, у билан њеч қандай алоқаси йўқлигини айтиб, чалғитишига ҳаракат қилди. Лекин ички ишлар ва прокуратураси ходимлари 6 кун мижжа қоқмадилар.

Жиноят фош этилди. прокуратура ходимлари мазкур иш бўйича терлов ҳаракатларини олиб боришмоқда. Бўрибай ОМОНЗОДА,

Кеч соат 24.00лар чамаси. Тунги гурӯҳ таркибида хизмат олиб бораётган Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари катта қўпrik остида турган қизил рангли “Тико” автомашинасига эътиборни қаратишиди.

Бу йўлдан транспорт ва тиёдалар кам қатнаши, яқин атрофда аҳоли истикомат қилмаслиги ҳамда автомашинанинг айнан қўпrik остида қолдирилиши гурӯҳ аъзоларидаги шубъҳа ўйготди. Автомашина кўздан кечирилганда унинг эшиклари кулфланмаган, салонда эса қондоглари борлиги аниқланди. Бу ҳақда зудлик билан Марғилон шаҳар ИИБ навбатчилик қисмiga ҳабар берилди.

Дастлабки суриштирувлар натижасида автомашина Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро Одилжон Қодировга тегиши эканни, шу йил 2 сентябрь куни кечки пайт автомашинани унинг ўғли Шерзод ҳайдаб чиқиб кетгани ва ҳанузгача қайтиб келмаганилиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича

Тезкор-тергов гурӯҳи олдида ушбу қотилликни фош этиши ва унинг содир этилиши сабабларини аниқлаш вазифаси турарди. Полковник К. Обидов таҳмин қилинган барча ҳолатлар бўйича гурӯҳ аъзоларига тегиши кўрсатмаларни берар экан, ҳатто, арзимагандек маълумот ҳам жиноятни фош

этишда муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Марҳум Шерзод Қодировнинг кимлар билан алоқада бўлганини ўрганиш, жиноятнинг содир этилиши бўйича барча таҳминлар устида тезкор суриштирув ишлари тинимсиз давом этирилди. Саъи-ҳаракатлар нати-



ОЛТИ КУНДА ОЧИЛГАН ҚОТИЛИК

**Менга Пушкин бир жаҳондур
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон ўзбегим!**

Мақоламизни атоқли шоир Эркин Воҳидовнинг дур сатрлари билан бошладик. Бунинг боиси, ўзбек шеъриятига та-мал тошини қўйган буок бобомизнинг изидан бориб, сехрли навоси уфуриб турган назми билан шеърият ихлосмандларининг дил торини чertiб келаётган шоирлар – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин САЙИД ва Ёзувчилар уюшмаси маслаҳатчиси Рустам МУСУРМОН таҳририятимиз меҳмони бўлдилар. Сұхбатимиз чин маънода ижод аҳлининг қизғин мулоқоти-га айланаб кетди.

– Сирожиддин, бугунги сұхбати-мизни нафақат шеъриятга, балки шеърият орқали инсон руҳиятига, руҳият оламига таъсир кўрсатувчи суз курдатига бағишиласак, қарши-масмисиз?

– Йўқ, албатта. Ҳар ҳолда бу биз учун қизиқарли мавзу.

– 1941 йили Москвада бобокалон шоиримиз Алишер Навоий тавалду-дининг 500 йиллиги ташнивалини нишонланганди. Ана шу маросимда шарқ адабиётини жуда яхши ўргани-ган таниди рус олими ва ёзувчи Илья Эренбург Навоий ҳәёти ва ижоди ҳақида қарийб иккى соат маъруза қилди. Ёзувчи ўша пайт-даги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб

Қадим ўзбек халқисан,
асл одам авлоди.

Миср эҳромларидан
тарихан қарироқдир.

Хоразмининг ҳар гиштида,
боболарининг ижоди.

Англонинг саксонларидан
анча юқориоқдир.

Бизда логарифманинг
мушкул муаммолари

Қўлдаги бармоқлардай,
оддий қилинганди ҳал.

Олий ирқ даъвогари,
Черчиллинг боболари,

Хатто санай билмасди,
ён бармоқни мукаммал...

Сирожиддин Сайид: – Раҳмат, ога. Шеър асли кўнгил иши дейи-

– Уюшмадаги фаолиятингиз ижодинизга таъсир кўрсатмаяпти-ми? Ҳар ҳолда шоир кўнгли кенгликарни, бепоёниликни ёқтиради.

Сирожиддин Сайид: – Ишлайдиган одам учун ҳамиша иш кўп. Албатта, дилингизга таъсир қилган завқни сатрларга тушириш керак. Андрей Вознесенскийнинг бир яхши гапи бор: “Шеър ёзилмайди, рўй беради”. Ёмғирдай, чақиндай рўй беради. Бу ҳолат вақт тандамайди, жой изламайди. Бу ҳолатта ҳеч нарса даҳл қила олмайди, қозога тушиверади.

Рустам Мусурмон: – Мен жуда кўп гувоҳи бўлганман. Сирожиддин ака ишга кўмилб турган бир пайтда телефон кўнғирориги жиринглайди ёки Абдулла аканинг ўзлари кириб келадилар-да: “Мана бу шеърни бир эшигиди кўринглар”, деб шеър ўқиб кетадилар. Ёки акси – Сирожиддин ака устозининг хонала-рига “бостириб” кирган пайтларга ҳам кўп гувоҳ бўлганман. Демоқчи-манки, илҳом тўлқиндең тошиб келганда, ҳар қандай тўсиқни ошиб ўтаверади.

– Балки сўзларимиз хатодир, лекин бари бир айтмасак бўлмас, ҳозирги кун шеъриятни нисбатан саёзлашгандек туполмаяптими, шо-ирликка даъвогарлар кўпайиб кет-маяптими, сизнингча? Ахир, айти-шади-ку, шеър бу – илоҳий невмат, ҳар кимга ҳам шеър ёзиши насиб эмас, деб.

Сирожиддин Сайид: – Тўғри, ҳақиқатан ҳам шеър ёзидиганлар

ЭКСКЛЮЗИВ УЧРАШУВ



Сирожиддин Сайид: – Шу ўринда мен ҳам Чингиз Айтматовнинг бир ажойиб гапини келтириб ўтмоқчиман: “Ёзувчининг тақдирини Ёзувчилар уюшмаси эмас, балки ёзувчининг ўзи, ёзув столи, қалам-қозоги, ёзган асари ҳал қиласди”. Биз асар кутамиз. Агар бирор бир ижодкор яхши асар олиб келса, ишонасизми, Абдулла ака кувониб кетадилар, ҳуддикни, шу асарни ўзлари ёзгандек. Сўнгти йиллар ичиде уюшмада бир нечта асарлар мухокама қилинди. Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоиронвинг терро-ризмага бағишиланган “Оғоҳ бўл, дунё” достони, Луқмон Бўрихон-нинг “Жазирамадаги одамлар” ро-

сан, тўқлики кўрганда нега тўқ дейсан”.

Тошкентнинг қайси бир маҳалласида чироқ куйиб қолса,

бир ҳафта аюҳаннос солишида,

аммо олис манзилни “бир қадам”

қилиб қўйган темир йўлни гапи-

ришмайди, курилган мухташам

иморатлару, кўприкларни ёзиш-

майди, чунки бу хабарлар учун улар-га пул тўлашга вадда беришмаган.

Ёмонликни ўзларича излаб, “то-

пиб”, камига яна қора чаплаб,

ҳомийларига етказишгандан

сўнтина ҳақ олишиди. Журналист-

лар, шоир, ёзувчилар – қалам аҳли

албатта бу каби иллатлар үчогини

нуратиши керак. Бунинг учун дадил-

лик, ташаббускорлик, қатъият

бир назар

мани каби бир неча тарихий асар-лар шулар жумласидандир.

Куни кеча уюшма қошида “Ўзбеккино” акционерлик жамияти билан биргаликда сценарийна-вислар, киноқисса ёзувчилар учун янги бўлдим очилди. Бу ҳозирги кунда яратилётган бадий асарларнинг савишини кўтаришга хизмат қиласди, деган умидимиз бор.

– Ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар, афсуски, бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Терроризм, диний-экстремизм каби балойи оғнати юртимиз, ҳал-қимис бошидан ўтказди. Сўнгги Андикон воқеалар бунинг исботи. Ҳудди шу ўринда ижод аҳшининг бу мавзуларга нисбатан ёзтибори та-лаб даражасида эмас, деган фикри ўтага ташламоқчимиз. Бу иллатларга қарши чинакам нафрат ўйто-та оладиган насрни ёки назмий асарни ҳанузгача учратма олмаяпмиз...

Сирожиддин Сайид: – Фикрин-гизга нисбатан қўшилиш мумкин. Аммо, айтиб ўтишим шарт, ижодкорларимиз қараб туришгани йўқ. Юқорида айтиб ўтганим – вилоятларда ўтказилган учрашувлар мухтамар. Президентимизнинг “Жаҳолатта қарши маърифат билан”, деган сўзларини шиор қилиб олтан ҳолда ташкилластирилди. Маърифат нима? Бу ёзувчининг асари, шоирнинг шеъри, журналистнинг мақоласи. Уларнинг ҳар бири одамларнинг қалбига кириб бориши, фикр ўйгота билиши керак. Чўпон чўпонлиги билан инсонларни бокса, ижодкор асари билан инсон кўнглини бокади.

– Биз айрим фикри бузукларниң турли ом-мий ахборот восита-лари орқали тарқа-таётган бўхтонларига жавоб қайтариши билан-гина овора бўлиб қолаёт-миз. Уларнинг кирдикор-ларини биринчи бўлиб фош этишида эса жуда оқсанамиз.


Сирожиддин Сайид: – Устозлардан бирори ёзувчилар уюшмасини ёзувчилар мачити дей чироили таърифларидар, Дарҳақиқат, бу даргоҳга покиза асарлар яратиш учун покланиб кириш керак.



З. АЗИЗОВ,

З. САТТОРОВ

сұхбатлашилар.



“Постда” газетасининг
сарбоз ёзувчиларнинг бўлиб
вон олад ючни ёр бўлсан!
Ватаниниздан ҳадд ёз бўлсан!
Изоз тегасан! Кондоминиздан
фарзан ахчалича ҳуқиқор
бўлсан!

Сирожиддин Сайид



“Постда” газетасининг
бўлиб ёзувчиларнинг бўлиб
вон олад ючни ёр бўлсан!
Ватаниниздан ҳадд ёз бўлсан!
Изоз тегасан! Кондоминиздан
фарзан ахчалича ҳуқиқор
бўлсан!

Сирожиддин Сайид

Муарриғим 41

KUNLARDAN BIR KUN...

Valijonning dadasi G'anijon aka uzoq yaylovida cho'ponlik qiladi. Dam olish.kunlari u dadasingning oldiga boradi. U har gal borganida bo'ribosar it Qoplon uning oldiga yugurib keladi. Uni bolaligida o'zi boqqandi. Bu gal ham jonivor Valijonni kutib oldi. Ikkovi birga rosa o'ynashdi. Kun kech bo'lganda Qoplon otarning oldida poyloqchilik qilishga ketdi.

Yarim tunda Qoplon birdan hurib qoldi. Unga qo'shilib boshqa itlar ham ovozi boricha vovullay boshladi.

Valijonning dadasi:

— Yana bo'rilar ke layotganga o'xshaydi Qoplon juda bezovta huryapti, — deb chiqib ketdi.

O'sha tunda haqiqatdan ham otarga bo'rilar hujum qilgan edi. Qoplon ularning kelayotganini sezib qattiq hurib boshqa itlarga xabar berdi. Lekin bo'rilarning soni itlarnikidan kam emasdi. Ularning ko'pchiligi qo'raning orqa tomonidan pusib kelardi. Hamma itlar o'sha tarafga qarab chopdi. Lekin ziyrak Qoplon yon tomonidan ham ikkita bo'ri kelayotganini sezib qoldi va joyidan jilmay turdi.

G'anijon aka qo'raning orqa tomoniga o'tib miltig'ini shaylab turdi. Qattiq shamol esayotgani uchun ovozlar

yaxshi eshitilmasdi. Oradan ancha o'tib itlar qaytib kela boshladi. Bo'rilar chekingan

Itlar hurib nimanidir talashardi. Yaqinroq borsa, oyning xira yorug'ida ikkita bo'rining o'lgan jasadi ko'rindi. Qoplon esa ko'rinnadi. U itni chaqirdi qo'raka yaqin joydan ingragan ovoz eshitildi. G'anijon aka chopib bordi. Qoplon jarohatlangan holda ingrab yotardi. Uning ikki bo'ri bilan olishgani va ularni yengib o'zi ham yara langani ayon edi.

Valijon itining ahvolini ko'rib ko'zidan yosh chiqib ketdi.

— Dada Qoplon o'lib qoladimi? — deya xavotirlanib so'radi.

— Yo'q o'g'lim, ertaga hayvonlar do'xtiri keladi, davolaymiz, — dedi.

Valijon qishloqqa qaytarkan Qoplanni o'yldi. Sinf doshlariga bo'lgan voqeani aytib berdi. Oradan bir oylar o'tib Qoplon tuzalib ketdi. Valijon yaylova borganida yana uning oldiga yugurib keldi. Valijon bu xaloskor itini yana ham yaxshi ko'rib ketdi.

Sadriddin ABDULLAYEV.

QOPLOLON





edi. Lekin Qoplon ko'rinnadi. Shu payt itlardan biri qo'raning yon tomoniga qarab chopib ketdi. Ketidan boshqa itlar ham chopdi. G'anijon akaning ko'ngli nimanidir sezib o'sha tomoniga yurdi.

Qadrli bolalar! Quyidagi jadvalda o'lkamizda etishtiriladigan qovun navlaridan ayrimlarining nomi yashiringan. Namunada berilgani asosida ularni toping.


Sh	B	O'	R	I	K	A	L	A	K
A	K	A	R	A	L	L	A	O'	K
B	O	S	P	X	A	N	D	K	Ch
L	O	V	A	L	A	K	R	Q	A
D	Q	U	R	U	G'	Q	I	M	A
I	O	U	R	U	G'	I	M	I	Ch
Q	I	L	T	O'	N	R	Z	R	O'
I	Z	L	A	R	L	A	A	I	Q
M	A	L	T	O'	A	M	Ch	O'	L

Boshqotirma savollari: 1. Farg'ona vodiysidagi shahar. 2. Milliy taom. 3. Dukkakli ekin. 4. Uy parrandas. 5. Palakli ekin. 6. Meva. 7. Sabzavot ekini. 8. Uy hayvoni. 9. Ot poygasi. 10. Baxt, saodat. 11. Yirik qush. 12. Yoshlar ijtimoiy harakati. 13. Non yopiladi. 14. Hushbo'y o'simlik. 15. O'zbek mutafakkir shoiri. 16. O'tloq. 17. Sport o'yini. 18. Tog' guli. 19. Suv yo'li. 20. So'z turkumi. 21. Shon, shavkat. 22. Janub qushi.



Rasmliardagi o'nta farqni toping





СОВРИН БАРЧИНОЙГА БЕРИЛАДИГАН БҮЛДІ

Газетамизнинг шу үйл 18 август сонида эълон қилингандык мұкофоти сканворд бүйічі талайгина мактублар олдик. Белгиланған 15.000 сүм пул мұкофоти әнг түгри ва тез жавоб йүллаған (22 август) Тошкент шахри, Юнусобод тумани, 19-мавзе 10-үй 69-хонадонда яшовчи **Барчиной Абдурахимовага** берилді. Уни соврин билан күттегі, таҳририятимиздегі 139-77-23, 54-37-91 телефон рақамлары орқали мурожаат қилишини сүраймыз.

Таҳририятта шунингдек, Тошкент шахридан Ш. Эргашева, У. Раҳимов; Жиззах вилоятидан Д. Нарзиқурова, С. Хамидов, Сирдарә шахридан Л. Шоимова, Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчасыда яшовчи Р. Рихсибоеva, Тошкент туманидан К. Абдуллаев, самарқандлық Р. Шокирова ва бошқалар ҳам сканворд жавобларини йүллашған. Такдым этилған вариантыларда айрим хатолар борлиги ёки жавоблар кеч келгандылығы туфайли муаллифлар даъвогарлар рўйхатига киритилмади.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 18 АВГУСТ 33-СОНИДА БЕРИЛГАН МУКОФОТИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Зот. Одамзод. Күк. Вампир. Институт. Бар. Варақ. Рол. Ула. Умида. Күбиз. Дор. Қат. Линза. Асо. Азал. Мато. Тайм. Анна. Ил. Аросат. Афродита. Бия. Октябр. Калхат. Бир. Ту. Украина. Рэп. Геракл. Дуб. Хид. Жар. Ини. Азamat. Дастан. Кактус. Ра. Оид. Ер. Анвойи. Ювентус. Ереван. Сигир. Нам. Акс. Хивич. Уфа. Иллат. Тати. Яёв. Вакил. Аванс. Ген. Шия. Оқшом. Алла. Уюр. Аравакаш. Юра. Хут. Дөвон. Нав. Муз.

БҮЙИГА: Куба. Обида. Суяк. Ов. Зўраки. Узанги. Ар. Табака. Труба. Гувала. Ма. Алисия. Маориф. Спрут. Барча. Равшан. Мотор. Трио. Орбита. Нокаут. Дин. Юта. Аввало. Ҳажв. Милорд. Ел. Заранг. Элтон. Олишув. Мита. Диккат. Жоду. Атаман. Араби. Гал. Сак. Асабий. Шер. Стакан. Моряк. Крем. Аи. Ва. Мирза. Арава. Хисрав. То. Сандал. Кредит. Кулдан. Лит. Вигвам. Үт. Нитрат. Нурали. Шу. Юрмала. Тунис. Чанг.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ 33-СОНИДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Мураббий. До. Үкувчи. Илм. Савод. «Ан». Якшанба. Крузо. Аён. Оро. Ереван. Улус. Гап. Радиус. Абр. Оқил. Рад. Икс. Мағкура. Дарслан. Алеут. Жума. Ийл. Чорбог. Тонг. Испот. Ун. Барно. Риф. Да. Ариза. Квант. Зарифа. Лола. Комил. Ер. Уй. Ал. Ифтихор. Кадр. Башорат. Марка. Ар. Аёл. Тасдик. Айил. Тил. Гала. Соф. Монитор. Па. Имо. Пи. Ил. Зайд. Омил. Ол. Мукимий. Альон. Ел. Афлотун.

БҮЙИГА: Йўл. Рисола. Мактаб. Каср. Верн. Бобур. Восифий. Овал. Аник. Адип. Дунё. «Наво». Армуғон. Ура. Али. Куб. Реза. Мадраса. Дую. Реном. Абраһиев. Гамма. «Ту». Физика. Тонг. Алкей. Китоб. Ит. Профессор. Амал. Ил. Рудакий. Нар. Домино. Рам. Лоф. Дол. Радикал. Хат. Ноғилий. Топография. Диплом. Ир. Олим. Нотик. Акт. Рақам. Реле. Ли. Тасин. Валс. Ашрафий. Салали. Автомобилсоз.

2006 йили Германияда ўтажак жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлиш учун 12 октябрь куни бутун дунё мамлакатларининг терма жамоалари бор кучларини ишга солдилар. Улар орасида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор эди...


МДХ давлатлари орасидан уч мамлакат терма жамоаси – Украина, Россия ва Ўзбекистон яхши имкониятга эга эди. Украиналиклар муҳлислари ишончини қозониб, Европа грандларини ортда қолдирган ҳолда биринчи бўлиб ва илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишга эришдилар. Ушбу жамоанинг фахрий футболчisi Андрей Шевченконинг биргина армонга айланеёнган орзуши ушади. Мамлакатимизда ҳам унинг муҳлислари кўп. Биз уларни бу ютуқ билан табриклимиз.

ОМАД КЕЛМАСА ҚИЙИН ЭКАН...

Кече Манамада бўлиб ўтган Баҳрайн – Ўзбекистон учрашуви натижасига тўхталишдан олдин Словакия – Россия баҳси ҳақида бир оз фикр юритсак. Сўнгти тургача россияликлар тифестида юргандек кураш олиб бордилар. Сўнгти тургача муҳлисларда умид чироги лишилаб турди. Афсуски, ушбу ўйинда дарвозаларга бирорта ҳам тўп киритилмади. Бу эса ўз-ўзидан Словакия футбольчиларининг омадли юришини давом эттиришларига замин яратди. Шундай қилиб, қанчалик чиройли ўйин кўрсатмасин, Россия терма жамоаси йирик ҳалқаро мусобақага бора олмайдиган бўлди.

Мамлакатимиз терма жамоасида бир оз бошқачароқ вазият бўлса-да, ўйин сценарииси қайсиидир маънода россияликларни кига ўҳшаб кетди. Худди уларда бўлганидек, бизни ҳам 0:0 ҳисоби қониқтирмас эди. Аммо чархи кажрафторни кўрингки, ҳар иккала учрашув думалоқ рақамлар билан якунланди...

Кимни айлаш керак? Япониялик ҳакамними, ФИФАними ёки қанчалик ҳаракат қиласин, омад этагини тута олмаган терма жамоамизними? Айборни топган билан энди не фойда?



Биринчи учрашув қаҳрамони Максим Шатскх Манамага бора олмади – ва унинг ўрни бу ўйинда жуда билинди...

бонлар фақат ҳужумни бартараф этиш билан машгул бўлдилар. Аммо яна ўша тактика борасидаги устунлик Баҳрайн терма жамоасига кейинги учрашувлар учун йўл очиб берди.

Начора, кўнтилга таскин берадиган бир нарса қолди, холос. У ҳам бўлса, мамлакатимиз терма жамоаси яхши шаклланган, олдинда ҳали кўплаб ҳалқаро ўйинлар бор. Орзуларимиз армонга айланмади ҳали. Германияга борадиган йўлларимиз ёпилган бўлса ҳамки, Ўзбекистон терма жамоасини бутун дунё таниб олди. З сентябрь куни Тошкентда ўтказилган ўйин футбол дарслукларидан ўрин эгаллашига шубҳа йўқ. Ҳар сафар у ёки бу ҳакам хатога йўл кўйганида ана шу учрашув ҳам албатта ёдга олинади. Унда Ўзбекистон терма жамоаси адолатсиз қарорнинг курбонига айлангани такрор ва такрор айтилаверади. Терма жамоамиз жаҳон чемпионатида қатнашмаса-да, ўз номини футбол тарихи китобига ёзиб кўйгани бор гап. Азиз футбол муҳлисларимизга бундан ортиқ тасалли бера олмаймиз. Муҳими, кўнгилни чўқтируманг, ҳали ҳаммаси олдинда.

ФИДОИИ ХОДИМЛАРИМИЗ СПОРТ ЯҚИН ҲАМРОҲИ

Хозирги давр ички ишлар ходимларидан ҳар томонлама етук бўлишни талаб этяпти. Бу борада фақат билимни оширишининг ўзи кифоя қилмайди. Жисмоний ва жанговар тайёргарликни мунтазам ошириб бориш ҳам муҳимdir.

Тошкент шаҳридаги Чилонзор тумани ИИБ шахсий таркиби бунга алоҳида эътибор бермоқда. Спорт билан мунтазам шугулланиш уларнинг кундалик ҳаёт тарзига айланган.

Масалан, туман ИИБ касбий маҳорат, жисмоний тайёргарлик ва кадрлар билан ишлаш катта инспектори, катта лейтенант Фарҳод Аҳмедов шундай ходимлар сирасига киради. У 2001 йил Тошкент шаҳар ички ишлар ходимлари ўтказилган қўл жангги мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган. Кейинги йили эса ўқ отиш беллашувида учинчи ўрин соҳиби бўлган. Айни пайтда ишдан сўнг, бўш пайтарида уни спорт-соғлом-


лаштириш мажмуаларида учратиш мумкин.

– Спортга ёшлигимдан қизиқаман, – деди биз билан сұхбатда Ф. Аҳмедов – Дадам ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққанлар. У кишига ҳавас мени шу соҳага етаклади. Туман ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматига келганимда подполковниклар Б. Сафаров ва Б. Исоковлардан хизмат ҳамда жанговар тайёргарлик сирларини ўргандим. Ҳозирда ҳаётимни спортсиз тасаввур эта олмайман. Менимча, эгнига форма кийган ҳар бир ходим жисмоний жиҳатдан етук бўлиши зарур. Бу унга соғлик, тетиклик, бардамлик багишиласа, бошқа то мондан касб маҳорати мун-

тазам ошиб боришини таъминлайди.

Фарҳод Аҳмедов ҳақ гапларни айтди. Ички ишлар ходими жиноятчини қўлга олиш пайтида кўп ҳолларда у билан юзма-юз бўлишига тўғри келади. Бундай дамларда ходим ҳар қандай хавфхатарга шай туриши, жанговар-тактик усусларни билиши сув ва ҳаводек зарур. Буни яхши англаб етган Фарҳод ўз ҳамкаслари билан ўқув-машгулттар ҳамда ўқотар қуроллардан тўғри фойдаланиш машқларига фаол қатнашиб, амалий кўнким олаяпти. Кўзлаган мақсади битта – юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳукуқбузарларликларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.



Суратда: катта лейтенант Ф. Аҳмедов машгулот пайтида.

ФАРГОНАЛИК ДИНАМОЧИЛАР ГОЛИБ

Фарғона шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройида вилоят ички ишлар идораларида масъул лавозимларда самарали хизмат қилган полковник Турдиали Убайдуллаев хотирасига багишиланган хотира турнири бўлиб ўтди.

Турнирнинг очилиш молосимида сўзга чиқсан вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник Камолиддин Очилдиев Турдиали Убайдуллаевнинг фарғиятига тўхталиб, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаётни таъминлаш ўйладиги фидойилиги тўғрисида гапириб ўтди ва беллашув иштирокчиларига омад тилади.

Мусобақа бошланишидан аввал Т. Убайдуллаевнинг оила аъзоларига вилоят

ИИБнинг эсдалик совфаси топширилди.

Вилоят ички ишлар бошкармаси, “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамияти, вилоят “Таэкван-до” федерацияси ҳамкорлигига уюштирилган мазкур тадбирда Тошкент, Сирдарё, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ташриф буюрган 138 нафар спортчи 10 та вазн тоифасида таэквон-донинг “ITF” йўналиши бўйича ўзаро куч синашиди.

Қизиқарли ўтган мусобақаларга умумжамоа ҳисобида фарғоналик “динамочи”лар биринчи, Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, сирдарёлик спортчилари эса 3-ўринни эгаллаши.

Мусобақа якуннада голибларга вилоят ИИБ ва “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг дипломлари, қимматбаҳо совфалари топширилди.

Абдуллајон СУЛАЙМОНОВ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник **Хайдиддин САЛАЙДИНОВни** туғилган куни билан савимий табриклийиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оиласвий хотиржамлик, ишларида улкан ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Эҳтиром ила ҳамкаслари.

БИР КУЛИШАЙЛИК

Назоратчи ҳайдовчига деди:

— Эшмат, шошмай тур, яна бир киши югуриб келаяпти.

Бир неча сониядан сўнг назоратчи яна ҳайдовчига мурожаат этиди:

— Эшмат, ҳайда тезроқ, газни бос, уни танидим, ойлик чиптаси бор.

* * *

Биринчи кун:

— Оғайни, ҳамёним уйда қолибди. Юз сўм бериб турмайсанми?

— Марҳамат!

Иккинчи кун:

— Оғайни, сендан юз сўм қарз эдим, тўғрими? Яна ҳамёнимни унтибман. Тағин 200 сўм бериб тур, эртага уч юз сўм қилиб қайтараман.

— Хўп.

Учинчи кун:

— Дўстим, сендан 300 сўм қарзмидим?
— Йўқ!

* * *

— Кечак маза қилиб дам олдим-да.

— Нима, театрга бординги?

— Йўқ, хотиним борди.

* * *

Дўконда:

— Кулчаларингиз янгими?

— Йўқ, тошдай қаттиқ.

— Печеньенгиз-чи?

— Яхиси, кулча ола қолинг.

* * *

Котиба бошлигининг кабинетига ёш йигитни бошлаб кириб:

— Авар Қосимович, хўжайиним сизга рашк қилавериб жонимга тегди. Шунинг учун сизнинг ҳақиқатдан ҳам кекса, кал ва хунук эканлигинизни кўрсин деб бошлаб келдим.

* * *

— Жаноб Жексон, бутунлай ўзгариб кетибиз. Бир пайтлар сочларингиз қалин эди. Тўландан келган эдингиз. Энди бўлса сочларингиз тўкилиб, ўзингиз озиб қолибиз.

— Кечирасиз-у, мен Жексон эмасман.

— Ие, фамилиянгизни ҳам ўзгартирдингизми?

* * *

Болакай:

— Ота, нега онамга уйлангансиз?

Отаси:

— Хотин, кўрдинги, ҳатто болам ҳам ҳайрон бўляяпти.

* * *

Дорихонадан бир киши кўчага чиқди. Унинг ортидан дорихоначи аёл етиб олди:

— Кечиравасиз, ҳозир сиз кальций глюканат сотиб олдингизми? Уни қайтариб беринг.

— Нега энди?

— Мен унинг ўрнига сизга маргимуш берибман.

— Вой, мен уни ичиб қўйдим-ку...

— Унда тезроқ яна 50 цент беринг.

* * *

— Ишга борсаммикин ёки ухласаммикин?

— Ишга бориб ухлаганинг маъқул .

ЖАЛАДА ҚОЛГАН – ЁМГИРДАН ҚЎРҚМАС

МУНАЖЖИЛЛАР БАШОРДИ

Келгуси ҳафта учун



ҚЎЙ. Ушбу ҳафта сизни ташвишга солаётган талайгина масалаларнинг ечими яқинларингиз кўмагига боғлиқ. Ҳамкаслар билан дўстона муносабатлардан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилинг. Ҳаридлар қилмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари барча режаларингиз амалга ошади.



СИГИР. Шахсий ҳаётингизни яхшилаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун қулай давр. Аммо мавқеингизни ошириш учун анча сатый-ҳаракатлар қилишингизга тўғри келади. Аввало ишхонада интизомга қатъий риоя қилинг. Амалий алоқаларни мустаҳкамлашингиз мақсадга мувофиқдир. Сафарга боришга тайёр туришни маслаҳат берамиз.



ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта давомида яқинларингизнинг қўллаб-куватлаши туфайли барча муаммолар осонгина ҳал бўлади. Жума кунга бориб ишхонадаги муносабатлар мураккаблашади. Раҳбарлар билан низо келиб чиқиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо қара-ма-қаршиликлар тезда бартараф этилади.



ҚИСҚИЧБАҚА. Амалий шериклар билан зарур алоқаларни йўлга қўясиз. Ишбилиармонлик қобилиятингиз яхшигина даромад келтиради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида совфа-саломлар олиш учун анча маблағ сарфлашингиз мумкин. Сўнгти кунлар ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради. Ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.



АРСЛОН. Ушбу ҳафтада эсда қоладиган воқеалар рўй бермайди. Олиб борилаётган музокаралар тўсиқларни енгиг ўтишингизда қўл келади. Сабр-тоқат билан қилинган меҳнат мувваффақиятлар гарови эканлигини унтуманг. Атрофинингиздаги одамлар билан алоқани мустаҳкамлаб, ишончли ҳамкор эканлигинизни исботлашингиз лозим.



БОШОҚ. Чоршанба кундан бошлаб кайфиятингиз кўтарилади. Ажойиб инсонлар билан мулоқот ва янги техникага эга бўлишингиз бир олам кувонч келтиради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишхонада кейнги пайтда орзу қилиб юрган нарсангизга эришасиз. Яқин кишиларингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин.



ТАРОЗИ. Ўзингизга бўлган ишонч ортади. Берган ваъдаларингизни бажариш учун ҳордиқ чиқармай меҳнат қилишингизга тўғри келади. Дам олиш кунлари бирорта яқинингиз ёки олисдан ташриф буюрган танишларингиздан совға оласиз. Сафарга борганингизда тобингиз қочиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.



ЧАЁН. Кўзда тутилмаган талайгина ишларни бажаришингиз ҳолдан тойдирали. Бу эса руҳингиз тушиб кетишига олиб келади. Ортиқча эҳтиросга берилмасликка ҳаракат қилинг. Хушхабарлар эшитасиз. Шунингдек, яхши харидлар, таклифлар кутилмоқда.



ЁЙ. Ҳозирда жамоадаги мавқеингизни сақлаб қолишингиз мұхимдир. Зиммандиздаги вазифаларнинг бажарилишига эски қадрдонларингиз кўмаклашишади. Якшанба кунга бориб барча ишларни ниҳоясига етказасиз. Шахсий эҳтиёжингиз ва хонадон учун керакли буюларни сотиб олинингиз мумкин.



ТОФ ЭЧКИСИ. Ҳаётингиз маълум тартибида ўтаётгани кувонч келтиради. Бу келгуси ишларни режалаштиришда ҳам асқотади. Танишларингиз орасида мұхим масалалар ечимига кўмаклашадиган одамлар кўплаб топилади. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.



КОВФА. Эътиборли кишилар билан муносабатлар мураккаблашади. Чоршанба кунгача бирор идора ёки ташкилотта илтимос билан мурожаат қилмаганингиз маъқул. Яқинларингиз сиздан мадад кутадилар. Кичик кўнгилсизликлар безовта қилиши мумкин. Якшанба кунги мулоқот бир олам кувонч келтиради.



БАЛИҚ. Мавқеингизни яхшилаш имконияти бор. Ушбу ҳафта алоқаларни янада ривожлантаришда катта аҳамиятта эгадир. Талайгина маслакдошлар ва дўстлар ортирасида. Жума куни яхши харидлар кутилмоқда. Шанба куни саломатлигингизни тиклашга эътибор беринг.

«Маънолар маҳзани»

ЁРНИ ТОПГАНДА – ГАП ЙЎҚ, ГАПНИ ТОПГАНДА ЁР ЙЎҚ

Хотин-қизлар билан гаплашишни, уларнинг кўнглига йўл топишни билмайдиган уятчан, камсукум, камгап йигитнинг устидан истеҳзо билан кулланларида шундай дейдилар.

ЖАЛАДА ҚОЛГАН – ЁМГИРДАН ҚЎРҚМАС

Вариант: “Тегирмонда тутилган сичқон момақаладироқдан қўрқмайди”. Мазмуни: “Илгари қаттиқ қийинчиликлар кўрган одам унча-мунча қийинчиликдан қўрқмайди, чидайди, бардош беради”, дейилмоқчи.

ЖАНГАЛ ЎЗ ЖОЙИДА КУН КЎРА ОЛАДИ

(жангол – тиканакли бута). Уни жанголзордан кесиб олиб келиб, экинзорни мол-ҳолдан муҳофаза қўлмоқ учун тўсиқ девор қилиб кўядилар, ундан чўкиртак супургига ясад, катта саҳни жойларни, хазонни супурадилар. Бу мақсадлар учун жанголзордаги жанголнинг озигинаси кесиб келингани билан бошқалари кун кўраверади. Аммо жангол боғдан, ҳовлидан униб чиккудай бўлса, дархол уни юлиб ё чопиб ташлайдилар, яъни одамлар ўз ораларида унга кун бермайдилар. Шунингдек, тили тиканакли, заҳар-закқум, жангари, уришқоқ, жангалаш каш одамни ҳам кишилар ўз ораларига йўлатмасликка (масалан, тўй-зиёфатларга иложи борича айтмасликка), ундан ўзларини олиб қолишига ҳаракат килардилар, сухбат даврасида чекка-чеккадан унга гап отадилар, пичинг киладилар, хуллас, хуш кўрмайдилар ва кун бермайдилар. Бундай одам фақат ўз

жойида (оиласида) кун кўриши мумкин-у, аммо жамоа орасида кун кўра олмайди. Юқоридаги мақолни шунга қаратадилар.

ЖАНЖАЛЛИ ЖОЙДА ЖАГИНГНИ ОЧМА

Мазмуни: “Олағовур, жангол бўлиб турган, бироннинг гапи бироннинг қулогига кирмайдиган жойда жагингни очмай жим ўтири, гап талашаётган, жанголлаштаётган одамларнинг гапига араплашма. Акс ҳолда ўзинг улардан қаттиқ-курум гап, сўкиш эшигиб, ҳатто мушт еб қоласан”, дейилмоқчи.

ЖАР БОШИГА ЕТГАНДА ОТНИНГ БОШИНИ ТОРТМА

Юғуриб-елиб кетаётган отни жар бошига етгандага тўхтатаман деб уриниш – бефойда. У тўхташга улгуролмай, жарга ағанаб кетади, ўзи ҳам, устидаги одам ҳам ҳалокатга учрайди. Мажози: “Бирор фалокатни, хавф-катарни сездингми, дарҳол олдини олиш, олдиндан даф қилиш чорасини кўр”, дейилмоқчи.

ЖАФО ЧЕКМАГАН – САФО ҚАДРИНИ БИЛМАС

(сафо – ёруғлик, рўшнолик, равшанлик, хурсандлик). Мазмундоши: “Зимистон кўрмаган булбул – гулистон қадрини билмас” (зимистон: 1) киш; 2) коронгулик; мажозан: қийинчилик қаттиқчилик. Мазкур мақолларни “Қийинчилик кўрмаган, бошига оғир кунлар тушмаган одам яхши кунларнинг қадрига етмайди, қадрини билмайди ҳам”, деган маънода кўлладилар.

Азиз газетхонлар! Саҳифанинг ушбу сонини муомала одобига бағишида-дик. Зоро, муомала, сўзлашув ўзаро муносабатларимизнинг асоси ҳисобланади. Инсон одобининг бу кўриниши кўп қиррали. Куйида уларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

ШИРИН СЎЗ – ЖОН ОЗИФИ



Шу ўринда ички ишлар ходимларининг бир-бирларига, фуқароларга нисбатан муомаласи ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Кўчада, метрода, жамоат жойларида юргандаги патруль-пост хизмати ходимлари фуқароларни тўхтатиб, хужжатларини текшириб, суриштириб туришганини учратамиз. Айрим ҳолларда фуқаронинг олдига келиб дабдурустдан:

– Халтангизда нима бор, кимсиз, қаёқка кетяпсиз? – дейишади.

Бундай ҳолатда бирор юмуш, ўз ташвиши билан бораётган кишининг аҳволи нима бўлади? Ички ишлар ходимига нисбатан муносабати-чи?

– Кечираисиз, хизматчилик, паспортигиз ёнингиздами, халтангизда нима бор? – дейилса қандай бўларки.

Албатта, мулоимлик билан айтилган сўзга фуқаро ҳам ширин жавоб қайтаради. Ички ишлар ходимига нисбатан яхши фикрда бўлади.

Ички ишлар ходимлари орасида профилактика инспекторлари, йўл-патруль, патруль-пост хизматидагилар асосан фуқаролар билан мулоқотда бўладилар. Муомалада ширинсўзлик ходимларнинг яхши фазилатларидан бири бўлиши керак. Юмшоқ мулоим сўзлайдиган кишини барча яхши кўради, кўп сўзлайдигандан эса кўпчилик ўзини олиб қочади, нарироқ юришга ҳаракат қиласди. Яна бир томони, профилактика инспектори ўзи хизмат қиласидан ҳудудда бутун ички

охират яхшилигидан иборат бўлган насибдан маҳрум қилинди.

Киши муомала пайтида асабийлашса, газабланса бу аввало ўзининг соғлиги учун зиён. Кейин афсус чекиб, яна эзилади. Шунинг учун гарчи сухбатдоши мутлақо ноҳақ бўлса ҳам жаҳл қилмай, босиқлик билан тушунтириши ҳар икки томон учун фойдалиди. Имом Бухорий ривоят қилишича Пайғамбаримиз бир куни саҳобалардан: “Кимни энг кучли одам деб ўйлайсизлар?” – деб сўрабдилар. Саҳобалар: “Рақиби тезлик билан енгадиган, йиқи-

тил, аччиқ сўзни ҳам айтади. Бирор хабарни айримлар ваҳима киған ҳолда баён этишса, бошқалар босиқлик билан маълум қилишади.

Ривоят қилишларича, бир подшо тусида ўз тишини суғуриб олади. Уйғонч, кўнгли хижил бўлиб, туш таъбирини айтубчани чақириради.

Подшонинг тушини эшитган таъбири бошини сарак-сарак қилиб:

– Шоҳим, тайёргарлигинизни кўринг, яқин кунларда ўласиз, – дейди.

Бундай хунук хабарни эшитган подшо фазбланиб таъбиричини жаллодга топширади. Кейин тушининг хосиятини билиш учун бошқа бир таъбиричини чақириради.

Подшонинг тушини эшитган бу таъбири таъзим қилиб, босиқлик билан:

– Шоҳим, барча яқинларингиз, қариндош-уруғларингиз сиздан кўпроқ умр кўришади, – дейди.

Таъбиричининг нима деганини фаҳмлган подшо мусибатли хабарни мулоимигина, кўнгилга озор бермайдиган қилиб айтигани учун унга совғалар инъом этади.

Шу ўринда айрим тибиёт ходимларинг беморлар билан муомаласи дилга озор беришини айтиб ўтиш жоиз. Яқинда бир сиҳатхонада рўй берган воқеа фикримизга далид бўла олади.

Шифокор қабулига ранги синиқсан,

Аллоҳи таоло жонзотлар ичидаги фатат инсонга сўзлашиши ато этган. Одамлар бир-бирлари билан муомалада ширин сўз бўлишлари керак. Ширин сўз жон озиги, ёмон сўз бош қозиги деб бежиз айтилмайди. Сиз мутлақо бегона кишидан бирор нарса илтимос қилаётганда ширин сўз билан муомала қилсангиз, унинг кўнгли юшиб, илтимосингизни бажаришга киришади, албатта.

ишлиар ходимларининг вакили ҳисобланади. Шунинг учун у фуқаролар билан мулоқотда доим ширин сўз бўлмоги, ҳар бир нарсани босиқлик билан тушунтириши, асабийлашмасдан мулоимлик билан мулоқот қилиши зарур.

Пайғамбаримиз шундай деганлар: “Кимгаки юмшоқлик насибаси берилган бўлса, у кишига дунё ва охират яхшилигидан иборат насиба берилгандир. Кимки юмшоқлик насибасидан маҳрум қилинган бўлса, демак, у дунё ва

тадиган киши энг кучли полвон бўлади”, деб жавоб беришбди. Шунда Пайғамбаримиз: “Йўқ, унда эмас, жаҳли чиққанда газабини ичига юта оладиган киши энг кучли полвондир” дедилар.

Ўзаро муомалада жаҳл, газаб ҳеч қачон фойда келтирмаган. Инсон разабдан сақланиш учун муомала қилаётган киши ёмон гап айтганда ҳам асабийлашмасдан, босиқ бўлиши лозим. Ўзини чалигиши, разабдан кутилиш ўйларини излаши керак.

Муомалада ҳаё, андиша пардаси очилмаслиги керак, дейилади ҳикматли сўзларда. Ҳаёсизларча сўзлашиш одоблизли белгисидир. Ҳаё пардаси кўтарилган ҳолда сўзлаш тарбияни бузишдан бошқа нарсага ярамайди. Андишила инсон ҳар қандай шароитда ўзини тутиб турга олади. Катталар гапиргандан кичиклар гап қайтариши бир киши бирор нарсани тушунтираётганда уни охирига эшитмай, ўзининг гапини маъкуллашга ҳаракат қилиши, катталар насиҳат қилганда жим тингламаслик кабилар андишасизликка мисодир.

Муомала одоби тўғрисида яна кўп мисоллар келтириб, талай гаплар айтиш мумкин. Ҳар бирида фақат ширин сўз зийнат эканлигини эслатмоқ жоиз. Зоро, ҳалқимизда ширин сўзга илон инидан, аччиқ сўзга қилич қинидан чиқади, деб бежиз айтилмайди.

Янги түғилган гўдак ўсиб, улгаяркан ота-онасидан, муомала сирларини ўрганади. Болалар жуда тақлидчи бўлиши маълум. Ота-она бир-бiriга қандай муносабатда бўлса, улар ҳам шунга ўрганишади. Демак, оиласда катталар ўзаро ширин сўз бўлишлари, айниқса, фарзандлари олдида босиқлик билан иш юритишлари талаб этилади. Бунда тарбиянинг аҳамияти катта. Шунингдек, болаларга ҳам одоб ўзасидан муомала қилиши лозим.

Маълум давргача эркалатиш, юмшоқ гапириб, билмаганини ўргатиш яна бир даврни ўз ичига олса, жилдий турис ўсмири ва ундан катта ёшлагиларга нисбатан қўлланилади. Ана шу зайлда тарбия кўрган фарзанд вояжга етганда яхши хулқ, одоб билан оила куриб, уни бошқаради.

Ишхона ҳам бир оила. Оила катта-кичикларга бўлингани каби жамоада ҳам ҳар бир ходимнинг ўз ўрни бор. Хонадонда ота-она гапиргандага фарзандлар эшитиб, кулоқ солсалар, жамоада раҳ-

ЎЙЛАМАСДАН СЎЙЛАМА

Инсонга сўзлашиши имкони берилган экан, хаёлга келган нарсани гапиравермаслик керак. Ҳар бир сўзни ўйлаб, мағзини чақиб айтишини одат қилган киши хулқа эга бўлади. Муомала одобида қисқа, лўнда ва кам гапиришга эътибор берилади. Бирор билан сўзлашганда гапни чўзмасдан, эшишувчига оғир ботмайдиган тарзда, тушунарли қилиб ифода этиш лозим. Айниқса, беморни кўргани боргандага эзмаланиб, кўп гапириб ўтириши унинг касалини зўрайтириб юбориши мумкин. Ёки бирор жойга шошиб кетаётган кишини мажбурлаб, ушлаб туриб гапга солиш одобсизлик ҳисобланади.

Айтилган сўз отилган ўқ кабидир. Кимнидир аччиқ гап билан дилини оғритешган одам, кейин пушаймон сб, кечирим сўраса ҳам ранжиган кишининг қалбидага ўша аччиқ гапнинг доги қолади.

Иш юзасидан бир дўстимнига боргандим. Суҳбатлашиб ўтиргандик эшик тақиллаб қолди. Дўстим мендан узр сўраб эшикка йўналди. Бироздан кейин эшик томондан қаттиқ-қаттиқ овоз кела бошлади. Кимнидир асабий ҳолатда бақириб-чақириб, сўкиниб гапиради. Кўнглим хижил бўлиб эшик томонга йўналдим. Дўстимнинг менга ҳам таниш бўлган қариндоши ўдағайлаб ниманидир тушунтироқчи бўларди.

– Мени бу ишдан хабарим йўқ, сиздан эшишиб турибман, – деди дўстим қўлини кўксига қўйганча ҳижолат чекиб.

– Хотининг билан икковинг уйга киргандиларинг, бошқа ҳеч ким у хонада бўлмади, сенлар олгансан, – деда ўзиникини маъкулларди у киши.

Аввалига жим турган дўстим тutoқиб кетди. Энди у ҳам овозини баландлата бошлади. Тортишув жанжалга айланаб кетмаслиги учун икковини тинчлантиреди. У киши:

– Буюрмасин, айни тўй қилаётганимда мени қақшатдинг, – деда кетиб қолди.

Маълум бўлишича маслаҳат йиғинига дўстим хотини билан бирга борганди. Йиғиндан кейин келинга аталган тақинчоқлар турган жойида йўқолган. Ўша хонага дўстим ва хотини киришган экан. Тўй эгалирлардан улардан гумонланган.

Орадан бир ҳафталар ўтиб тўй бўлди. Махалладош бўлганим учун мен ҳам бордим. Энди ўтирган ҳам эдимки тўй эгаси мени имлаб чақириди.

– Жуда хунук иш бўлди, – деди у. – Тақинчоқларни онам этиётдан олиб, бошқа жойга кўйган эканлар. Суриштиримай дўстимнинг гумон қилиб ўтирибман. Унга анча оғир гаплар гапириб юбордим, жуда афсусдаман. Сен у билан қалинсан, бўриб узримни айтиб олиб кел. Тўйда кўринмаса, кўпчилик ҳар хил хаёлга боради.

Дўстим аввалига кўнмади, кейин қариндошилик, эл олдида гап-сўз бўлишдан чўчилими, бирга кетдик.

Гарчи қариндоши кўпчиликнинг олдида кечирим сўраса-да, дўстим худди бегоналардек тўйни бир чеккада ўтирганча ўтказди.

ЯХШИ ТОПИБ ГАПИРАДИ

Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Ширин сўз айтган тил, аччиқ сўзни ҳам айтади. Бирор хабарни айримлар ваҳима киған ҳолда баён этишса, бошқалар босиқлик билан маълум қилишади.

Ривоят қилишларича, бир подшо тусида ўз тишини суғуриб олади. Уйғонч, кўнгли хижил бўлиб, туш таъбирини айтубчани чақириради.

Подшонинг тушини эшитган таъбири бошини сарак-сарак қилиб:

– Шоҳим, тайёргарлигинизни кўринг, яқин кунларда ўласиз, – дейди.

Бундай хунук хабарни эшитган подшо фазбланиб таъбиричини жаллодга топширади. Кейин тушининг хосиятини билиш учун бошқа бир таъбиричини чақириради.

Подшонинг тушини эшитган бу таъбири таъзим қилиб, босиқлик билан:

– Шоҳим, барча яқинларингиз, қариндош-уруғларингиз сиздан кўпроқ умр кўришади, – дейди.

Таъбиричининг нима деганини фаҳмлган подшо мусибатли хабарни мулоимигина, кўнгилга озор бермайдиган қилиб айтигани учун унга совғалар инъом этади.

Шу ўринда айрим тибиёт ходимларинг беморлар билан муомаласи дилга озор беришини айтиб ўтиш жоиз. Яқинда бир сиҳатхонада рўй берган воқеа фикримизга далид бўла олади.

Шифокор қабулига ранги синиқсан,

гапиришга ҳам ҳоли келмаётган бир киши кириб келди. Ёши элликлардан ошган, жаҳлдорлиги юзидан билиниб турган эрек шифокор беморга қаради-да:

– Яна беш-үн кун юрганингизда бир ўйла замбилга солиб олиб келишарди, – деди.


Бемор чўчиб тусди, ранги янайм синиқиб кетгандек бўлди. Шу пайт шифокорни шошилинч ҷақириб қолишиди. У bemорни ёнидаги ёшроқ шифокорга қолдириб, чиқиб кетди.

Ёш шифокор bemорни текшириб кўраркан:

– Ҳаяжонланманг, у киши озигина асабийлашиб тургандилар. Касалингиз бедаво эмас. Энг муҳими, кўнгилни чўктириманг, ташвишларнавермай муолажаларни вақтида олсангиз, албатта согайиб кетасиз, – деди.

Беморнинг кўнгли ёриши, кўзида умид учқунлар порлади.

Янги түғилган гўдак ўсиб, улгаяркан ота-онасидан, муомала сир



КИЧКИНА ҚҮЁШ

Кунгабоқарни билмаган, писта чақмайдиган инсон бўлмаса керак. Қолаверса, ҳозирги кунда, кундалик истеъмол қиласидиган озиқ-овқатларимизни тайёрлашда ҳам кўпчилигимиз кунгабоқар ёғидан фойдаланамиз. Қадимда кунгабоқарни айрим халқлар “Кичкина қүёш” деб аташган. Аввалига фақат пистани чақиб истеъмол қилган бўлишса, кейинчалик ундан ёғ олишини ўрганишиди.

КУНГАБОҚАР ЁҒИ

Ҳозирги кунда у энг кўп тарқалган ёғлардан бири ҳисобланади ва кўпчилик томонидан севиб истеъмол қилинади. Бунга сабаб энг аввало унинг ажойиб тарьми, инсон танасида тез ҳазм бўлиш хусусияти. Бундан ташқари, ҳар хил витаминаларга, фойдали моддаларга бой. Кунгабоқар таркибида А, Д ва Е дармондорилар ҳам мавжуд. У айниқса Е витаминга бой. Кунгабоқар таркибида, шунингдек, тўйинмаган ёғ кислотаси бўлиб, у инсон танаси ва соғлиги учун ниҳоятда фойдали ва ҳеч қандай зарари, асорати йўқ. Бу кислота хусусан асаб тизими учун фойдали ҳисобланади. Юрак-қон томири тизими фаолиятини бир мезерда сақланиб туришида ёрдам беради, қон таркибидаги холестириинни оширмайди. Ана шундай хусусиятлари сабабли кунгабоқар ёғидан табобатда, айниқса, ҳар хил сурункали касалликларни даволашда кенг фойдаланилади. Масалан, тиш оғриги,

ошқозон-ичак фаолиятини, ўпка касалликларни даволашда, организмдан сафро ва сийдикни ҳайдаша ҳам кенг қўлланилади. Бунинг учун кунгабоқар ёғидан кунига 3-4 марта 1-2 ош қошиқдан ичилади.

БАРГЛАРИ ҲАМ ДАВО

Ҳалқ табобатида кунгабоқар баргларидан безгакни даволашда дори тайёрлашган. Ундан ташқари иштаҳани очиш, ошқозон-ичак фаолиятини яхшиланади. Иложи бўлса, кунига 50 граммдан писта чақсангиз организм ўзига керакли моддаларга тўйинади. Кунгабоқардан тайёрланган ҳалво ҳам жуда фойдали.

ТАЪБИНГИЗ ТОРТГАНИЧА ПИСТА ЧАҚИНГ

Кунгабоқар пистаси севимли озуқа сифатида ҳам машҳур. Уни яхшилаб қовуриб, сўнг чақиб истеъмол қилиб юрilsa, тана учун жуда фойдали. Таркибининг 20 фоизи оқсилилардан иборат. Магний моддаси бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидагига қараганда 6 марта кўп. Айнан шу модда юрак-қон томири тизими фаолиятини яхшилади.



Франциялик диетолог ва руҳшунос олима Мадлен Жестнинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг соғлиги аввало ўз қўлида. Тўғрироғи, ҳар куни еб-ичадиган озиқ-овқатларга боғлиқ экан. Тадқиқотчи ўзи ва атрофидагиларни 30 йил кузатганидан сўнг шундай хулосага келди. Ўз хулосаларига таяниб ҳар бир инсон ўз соғлигини асрани учун нималарга аҳамият бериши кераклигини белгилаб берди.

Унинг айтишича, нотўғри овқатланиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ширинликка ўчлик ва танада суюқлик етишмаслиги ҳар қандай тана соғлиги учун ўта хавфли бўлиб, қатор касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан. Масалан: бунинг оқибатида ошқозон-ичак касалликлари, юрак-қон томири фаолиятининг бузилиши ва ҳатто саратон (рак) касаллигини ҳам келиб чиқиши аниқланган. Энг ёмон одатлардан бири – бу кўп овқат ейиш бўлиб, биргина Францияниг ўзида нотўғри овқатланишдан йилига юз минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмарканлар.

Аслида ҳам тиббиёт со-

ҳаси доноларининг таъкидлашларича, инсон еб-ичиш учун яшамасдан, яшаш учунгина еб-ичиши керак. Бу дегани, ҳар бир инсон ўз танаси учун керакли бўлган ва ошқозон-нига сифадиган даражадагина овқатланса, унинг танаси учун фойдали бўлади.

Энг аввало, ҳар бир инсон кўзига яхши кўринган нарсаларни тезда ейишга шошилмагани, иштаҳани қитиқлаган ва кўпчилик учун мўлжалланиб, ноаниқ усулларда тайёрланган овқатлардан иложи бори-ча сақлангани маъқул. Айниқса, консерваланган маҳсулотлардан эҳтиёт бўлиш керак. Ҳозирги кунда уларнинг жуда кўп

турлари пайдо бўлганки, сифатларини сифатсиздан ажратиш жуда қийин. Масалан: шоколадлар, шакарсиз мурабболар, ҳар хил тезпишар уграпар шулар жумласидандир. XXI аср инсонлари бу маҳсулотларнинг сунъийисидан табиийсиз, ўзларнинг таъм билиш аъзолари ёрдамида фарқлашга қийналадилар. Сабаби, табиий ва тоза маҳсулотдан бўлганларини балки еб ҳам кўрмандирлар. Қанднинг ўрнини босувчи сахарозалардан фойдаланиш семиришга мойил инсонлар учун ниҳоятда зарарли. Улардан заҳарлаётганини бирор марта бўлса-да, ўйлаб кўрармикан? Бу маҳсулотлар кимлар томонидандир, фақат овқат пиширишнинг иложи

холат ўз навбатида бирор-бир касалликни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда тез пишилиган, яъни 5 дақиқада тайёрланадиган уграпарни кўпчилик, айниқса, ёшлар хуш кўришади. Тўғрида, ҳеч қандай қийинчиликсиз тайёр маҳсулотни идишга солиб, устига озоқ қайноқ сув кўйилса бўлди, беш дақиқада тайёр бўлади. Бу сабзи, пиёз тозалаб, тўғраб, ҳамир қориб, ундан утра кесиб пиширишдан кўра осон-да. Лекин уни истеъмол қиласидиган инсон ўз танасини заҳарлаётганини бирор марта бўлса-да, ўйлаб кўрармикан? Бу маҳсулотлар кимлар томонидандир, фақат овқат пиширишнинг иложи

бўлмаган жой ва пайтларда, қисқа муддатдагина фойдаланиш учун чиқарилганига аҳамият ҳам беришмайди. Уни оловчилиарни пакет устидаги ёки телевидение орқали кўрсатиладиган мақтov рекламалар қизиқтиради, холос.

Турли-туман йогуртлар пайдо бўлган. Улар хилмажил мевалардан тайёрланганлиги чиройли суратларда кўрсатилган. Аслида кўпинча бўёқлар кўшиб тайёрланадиган бундай йогуртларни истеъмол қиласидиган маъқул. Улардан айниқса, дон-дунлиси энг сифатсизи ҳисобланади. Яна баъзи бир маҳсулотларда калийли, кальцийли, магнийли деган ёзувларни кўрамиз.

Тўғри, инсон тақаси

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Ҳалқ табобатида кунгабоқар билан даволашнинг кўпгина усуллари маълум бўлиб, қуйнда улардан энг оддийларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Кунгабоқар гулларидан тайёрланган чой инсон тақасидан тузларни ҳайдаша энг яхши даволардан бири ҳисобланади. Ҳатто ўт пуфаги ва буйракдан тош ҳамда кўмларни ҳайдаша ҳам халқ табобатида ундан кенг фойдаланилган. Бундай чой юрак-қон томири ва ошқозон-ичак фаолиятини ҳам яхшилади.

Ундан қиши кунларида фойдаланиш учун томирини кунгабоқар айни гуллардан пайтида кавлаб олиб, соя жода куритиб қўйиш керак. Сўнг ловия катталигича майдаланилиб, ундан чой тайёрланади. Бунинг учун сирланган идиш олиниб, бир стакан майдаланган томир солинади ва устидан 3 литр қайноқ сув кўйиб паст оловда қайнатилади. 5 дақиқадан сўнг оловдан олиб қўйилади. Совитилган тайёр дамлама 2-3 кун давомида ичилади. Иккичи марта ҳам шутарзда дамлама тайёрланиб, яна 2-3 кун давомида ичилади. Лекин учинчи гал 10-15 дақиқада давомида қайнатилади. Кейнинглари шутартибда тайёрланиб, даволаниш муддати бир ёки бир ярим ойгача давом этади. Танадаги тузларни чиқиши икки ҳафтадан сўнг бошланади. Буни пешобга қараб билиш мумкин. Бошда лойқаланиб чиқётган пешоб бир ярим ойлардан кейин тиник тусга киради.

Бу чой билан даволаниш даврида ачиқ ва шур овқатлардан сақланиш тавсия этилади. Яхшиси, тузи паст ва кислотаси кам бўлган егуликлар истеъмол қилинг. Кандли диабет хасталигини даволаш учун кунгабоқар айни гуллардан пайти илдизи билан кавлаб олиниади. Иложи бўлса ерлар нам пайти кавлаб олган маъқул. Илдизлари яхшилаб ювилади ва соя жода куритилади. Қуригач, майдаланади ва бир ош қошифи уч литрлик банкага солиниб, устидан қайноқ сув кўйилади. Сўнг банкани пахмок сочиқка ўраб қўйиб, 40 дақиқадан сўнг чой ўрнида ичиб юриш тавсия этилади. Дамламани иложи бўлса ҳар куни янгитдан дамлаш керак.

учун мазкур моддалар ниҳоятда зарур. Лекин бу сўзлар фақат харидорни қизиқтириш учун ёзилганини ким ҳам биларди, дейсиз. Шуларни ўрганиб чиққан олима хоним тоза ерда агротехника қоидалари асосида етиштирилган табиий маҳсулотлардан пиширилган овқатгина инсон организми учун энг яхши, фойдали озуқ бўла олишини таъкидлади. Фақат ўн тайёрлашдан эринмасалар бўлгани. Ўз соғлигини ўйлаган ҳар бир киши ўзи учун керакли овқатни ҳафсалади билан тайёрлаши лозим.

Инсон соғлиги учун яна бир зарарли нарса бу – тез ва палапартиш овқатланиш. Киши овқатланиш пайтида шошмасдан, яъни 15 дақиқада эмас, балки узоқроқ муддат сарфлаб, овқатни яхшилаб чайнаб, кейин ютиш зарур. Буни ишхоналарда овқатланишга бир соат вақт ажратилганидан ҳам билишингиз мумкин.

Хуллас, ҳар бир инсон ўзи учун азиз бўлган соғлигини асраниши ва узоқ ўмр кўришни истаса, тўғри овқатланиш тартибига риоя қўлсин.


Темур РЎЗИМАТОВ
тайёрлади.

«ИССИГИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

ДҮКӨНДАГИ ФОЖИА

Бухоро шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига “Дилкуши” бозори ҳудудида жойлашган мева-сабзавот дүкөндида қотиллик содир этилгани ҳақида хабар тушди. Вокеа жойига зудлик билан вилоят прокурори Баҳодир Тойжонов, ички ишлар бошқармаси бошлиги, полковник Тальат Сатторов, Бухоро шаҳар ИИБ бошлиги, подполковник Баҳтиёр Давлатовлар етиб борышди. “Соҳибкор” ширкат хўжалигига қараши ушбу дўкон сочувчиси Мансур Муҳиддинов кўкраги ва бел қисмига санчилган тифдан оғир жароҳат олиб, оламдан ўтган эди.

Қотиллик содир этилган жой синчиклаб кўздан кечирилгач, тезкор-тёргов тадбирлари бошлаб юборилди. Жиноятни фош этишга Бухоро шаҳар ИИБнинг барча хизматлари жалб этилди. Шу атрофдаги одамлар, мархумнинг яқинлари сўраб-сурештирилди. Вақт оқшомга яқинлашгандай ягона гувоҳ – бозорда олди-сотди билан шуғулланувчи Абдуқаҳор Алимов топилди. У Мансурнинг яқин дўсти эканлигини айтаб, ички ишлар ходимларига ўзи мурожаат қилди. А. Алимовнинг гапларига қараганда, пешиндан



АВТОФАЛОКАТЛАР

ЖИЗЗАХ вилоятининг Зарбод туманида тунги соат 03 дан 10 дақиқа ўтганда қашқадарёлик Тўлқин Раҳмонов “Мерседес – Бенц” русумли микроавтобусни “Жиззах – Кўқон” йўли бўйлаб бошқарип борарди. Кутимагандай машина қарама-қарши томондан келаётган “МАЗ – 504” билан тўқнашиб кетди. Залворли юк машинаси ўз кучини кўрсатди, албатта. Микроавтобус йўловчиси, Самарқанд шаҳрида яшовчи Асад Итолмасов бу ҳаётдан кўз юмди. Ҳайдовчи ва яна бир йўловчи эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётказилди.

Норбек Каримов Музработ туманининг Халқобод қўргонида яшайди. У “Тико” русумли автомобилини ҳайдаб кетаётib тезликни ошириб юборди. Рулни бошқара олмай қолиши оқибатида транспорт йўл четига ағарилди. Йўловчилар, мактаб ўқитувчиси Муқаддас Бекмуродова ҳамда З-синф ўқувчиси Фазлидин Абдураҳмоновлар шифохонага олиб келинди. Аммо шифокорлар М. Бекмуродованинг ҳаётини сақлаб қоломмадилар.

БУЛУНГУР тумани, А. Темур кўчасида истиқомат қилувчи Олмос Холжигитов тадбиркор эди. У “Хундай Грейс” русумли автомашинасини “Тошкент – Термиз” йўли бўйлаб ҳайдаб кетаётганида автомобиль Юсуф Беляловга бириткирилган “ЗИЛ – 431610” русумли юк машинасининг орқасига бориб урилди. “Хундай Грейс” ҳайдовчиси вокеа жойида оламдан ўтди. Икки йўловчи эса жароҳатланиб, касалхонага ётказилди.

9 октябрь куни соат 16 дан 10 дақиқа ўтганда Андижон вилояти Кўмакай қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида ҳам автофалокат рўй берди. Шаҳриҳон шаҳри Қизил Юлдуз кўчасида яшовчи Сотвонди Қамбаров “Дамас” рулини эплай олмай, машина йўлнинг қарама-қарши томонидаги бетон тўсиққа урилди. Уч нафар йўловчи турли хилтан жароҳатлари билан шифохонага ётказилди.

СОҲА МУТАҲАССИСИ ФИКРИ:

Юқорида қайд этилган ва бошқа автофалокатларнинг сабаблари турлича. Шулардан муҳимларини келтириб ўтамиз. Идора ва ташкилотлар, муассасалар, маҳаллаларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўрилмайди, ҳайдовчилар ўртасида профилактик тадбирлар етарли даражада ташкил этилмайди, улар томонидан йўл қўйилган қўпол қоидабузарниклар таҳлил қилинмайди. Пиёдалар автомобиль йўлларнинг белгиланган жойларидан ўтиш қоидаларига риоя қўлмаслиги, автомобиллар ҳаракати жадаллигини инобатга олмаслик,

йўлларда назорат этишмаслиги ҳам бахтсиз ҳодисалар содир этилишига олиб келади.

Айрим ҳолларда ҳайдовчилар бир-бirlарига ҳурматсизлик қилишлари, йўл ҳаракати қоидаларини менсимаслик, транспортни спиртли ичимлик ичиб бошқариш, шошқалоқлик, чарлоқлик, паришонхотирлик ҳолатлари кузатилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Транспорт воситасини тегиши ҳужжатларсиз бошқариш, ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидалари қўпол равишда бузилиши оқибатида бошқа транс-

порт воситасининг ҳаракат йўналишига қиқиб кетиши хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Булардан ташқари, автосаройлардаги транспорт воситаюни эскириб бораётгани, эҳтиёт қисмлар этишмаслиги, умумфойдаланиш автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншиотлар ва темир йўл кесишмалари ҳолатининг талабга жавоб бермаслиги ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади.

М. ҲАСАНОВ,
Республика ИИВ ЙҲҲББ ташкилий-
ахборот бўлими бошлиғи,
подполковник

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳукуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситаюни билан алоқа қилиш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник С. Файировга акаси

ҚУРБОН акасининг вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙҲҲБ мoddий техника таъминоти бўлинмасининг бошлиғи, подполковник А. Faуровга қизи

Муҳаббат
АКБАРОВАНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бекобод тумани ИИБ Автотранспорт воситаюни техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва месъёларига амал қилишини назорат этиш бўлинмасининг бошлиғи, майор М. Ўринбоевга падари бузруквори

НАБИ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙҲҲБ 4-сафарбарлик гурухи ЙПХ катта инспектори, капитан

Менгбай
ХУДОЙНАЗАРОВИНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ



АЁЛ ҚЎЛИДАГИ БОЛТА

Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида яшовчи М. Зухра уйида маст ҳолда норасмий эри П. Шуҳрат билан жанжаллашиб қолди. Можаро узоқча чўзилмади. Чунки аёл қўлига болта олиб, жазманининг бошига зарб билан уриб ўлдириди. Қотил ушланди.

АВВАЛ БОҒЛАШДИ, КЕЙИН...

Наманган вилояти Чуст туманида яшовчи, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган У. Жўра маст ҳолда таниши Т. Дилфузанинг уйига бориб, жанжал кўтарди. Дилфузана онаси ёрдамида зўравонни ҳовлидаги дарахтга боғлаб қўйди. Кейин эса икколовон уни тоши билан уриб ўлдиришиди.

НИЗОДАН... ЎТ ЧИҚДИ

С. Муҳаммаджон Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги автомобилларга ёқилиғи қуйиш шоҳобчасига келди. Кутимаганда шу ерда қоровул бўлиб ишловчи Т. Абдумутал билан низолашиб қолди. Жаҳл устида унинг устига бензин сепиб, ёқиб юборди. Жабрланивчи куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

ЙЎЛДАГИ БОСҚИНЧИЛАР

Нукус шаҳрилик А. Туримбетов ўзининг “ВАЗ-2106” русумли автомашинасини бошқарип кетаётганида икки нотаниш йўловчи тўхтатиб “Кос-Кол-2” қўргонига элтиб қўйишни сўрашиди. Йўлда эса бирдан ҳайдовчига пичоқ ўқталиб, уни тушириб юборишида-да ўзлари машинани ҳайдаб кетишиди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу босқинчиликни С. Абдигалил ва Қ. Алсафбойлар содир этганликда гумонланаб, кўлга олиндилар.

ЗЎРАВОНЛАР ҲИБСДА

Ушбу вокеа Бухоро вилоятининг Конғон туманида содир бўлди. Геннадий Орловнинг уйига алдаш йўли билан кирган икки кимса хонадон эгасига жароҳат етказиб, 183.000 сўм пулини олиб кетди. Тезкор қидирив ишлари натижасида зўравонлар кўлга олинди. Улар шу худудда яшовчи Н. Руслан ҳамда Б. Сергейлар бўлиб чиқди.

ҚОТИЛ ТОПИЛДИ

Қўқон шаҳрида яшовчи, 1940 йилда туғилган Валентина Красненконинг уйидан Тўққизбулоқ даҳасида яшовчи Елена Селенконинг тан жароҳати етказилган жасади топилган эди. Тезкортергов тадбирлар натижасида қотил кўлга олинди. У дангаралик, 31 ёшли Н. Акмал экан.

АВТОМАШИНА ЭГАСИДА

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида яшовчи Ойбек Абдиев “Дамас” русумли автомашинасини кўчада қаровсиз қолдирди. Бундан фойдаланган М. Анвар эса бир зумда автомобилни ҳайдаб қочди. Бироқ у кўп ўтмай ички ишлар ходимлари томонидан кўлга олинди. Автомашина эгасига қайтарилди.

Исмоил МИНОВАРОВ,
майор

РЎЗА ТУТИШ ҚОИДАЛАРИ

Мусулмон оламида
рамазон ойи давом
этмоқда. Мўмин-мусул-
монлар ислом дини
арконларидан бирини
адо этишяпти, яъни рўза
тутмоқдалар. Рўза
тутишнинг ҳам ўзига хос
қоидалари мавжуд. Улар
тўлиқ адо этишагина
рўза Аллоҳ томонидан
қабул этилади. Газетхон-
ларимиз таҳририята
кўнгироқ қилиб, рўза
амаллари хусусидаги
саволлар билан мурожа-
ат этишяпти. Қўйида ана
шу саволларга имкони
борича жавоб беришга
ҳаракат қиласиз.

— Нима учун ифторликда ўт тегмаган нарса билан оғиз очиш керак?

— Ифторликда, яъни оғиз очишида рўздор имкони борича ўт тегмаган нарсадан фойдаланиши Пайғамбаримиздан қолган суннат бўлиб, ўт дўзахга ишора бўлгани учун мўмиллар ундан узокроқ бўлганлари яхши дегандар. Яна бир томони, рўздор киши кун бўйи оч юрганида ички аъзолари, яъни ошқозон ва ичаклари тозаланади. Шунинг учун беғубор нарса ейилса ошқозон учун фойдалидир. Ўт теккан нарсаларда эса истаймизми, йўқми губор бўлади. Унинг беғубор ошқозонга тушиши тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам зарарли бўлиши қайд

этилган. Шу боис узум, хурмо каби мевалар, асал, сув билан оғиз очиш буюрилган. Шу ўринда рўза ибодатини кўпроқ тиббиёт нуқтаи назаридан қарамасдан, уни бажариш фарз эканлиги, Аллоҳнинг ризолиги учун тутилаёттанини эсдан чиқармаслик керак.

— Рўзани бузадиган амаллар нималардан иборат?


— Аввало инсон еб-ичиши мумкин бўлган барча нарсаларни била туриб

муддати келиб укол олса оғиз очилиб кетадими?

— Уламоларимиз рўздор киши дори исса, танага кувват берадиган дармондори уколлари олса оғиз очилиб кетади дейишган.

— Рамазон ойида кимлар фидия берib рўза савобини олиши мумкин?

— Аввало рўза тутиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз. Рамазон ойларида рўза тутиш куч-куввати етмайдиган қариялар, сурункали ка-



Хурмо жаннат меваси

еийлса ёки ичилса рўза очилиб кетади. Ундан ташқари эр-хотин жинсий яқинлик қилса, тиш кавагидан бирон нарсани чиқариб ейилса, тупукни оғиздан чиқариб кейин ютилса, умуман мазаси билинадиган нарсалар ютилса оғиз очилиб кетади.

— Рўздор киши бетоб бўлиб қолса ёки даволаниш

салга мубтало бўлган беморлар рўза савобини олиш учун фидия берадилар.

— Рўздор киши заруратдан сафарга чиқиб қолди, дейлик. Ифторлик қилишга ҳеч нарса топилмади. Бундай пайтда нима қилиш керак?

— Сафарга борган киши учун рўза тутиш шарт эмас, кейин каффорат рўзасини

тутиб берса бўлади. Заруратдан, тўсатдан сафарга чиқиб қолган рўздор киши ифторлик қилишга, яъни оғиз очишига егулик, ичгулик нарса тополмаса, ифторлик вакти келганда оғиз очиш ниятини ўқиб қўяди. Кейин таом топилгандан тановул қилиши мумкин. Худди шунингдек, саҳарлик қилишга ҳам таом топилмаса, рўза тутиш максади бўлса оғиз ёпиш ниятини ўқиб қўйиши керак. Ифторлик пайтида оғиз очиш нияти, саҳарлик туганданда оғиз ёпиш нияти ўқилмаса тутилган рўза мукаммал бўлмайди.

— Фитр садақаси беришнинг қандай қоидалари бор?

— Рамазон ойида мўминларнинг Аллоҳ савобларидан баҳраманд бўлишлари учун яна бир имконият фитр садақаси беришдир. Фитр садақаси хонадондаги жон боши ҳисобига берилади. Унинг миқдори икки кило буғдоқ қилиб белгиланган. Буғдоқ ўрнига пули берилса ҳам савобига ўтади. Фитр садақаси камбагал, етим-есирларга рамазон хайти намози кунингача пойлаб ўтирамай аввалроқ берса ҳам Аллоҳ савобига мушарраф бўлишликни уламолар китобларда қайд этиб ўтганлар. Фитр садақа бериш вожиб амал бўлиб, рўза тутишда йўл ўқиб қўйилган нуқсонларни тўғрилайди, камбагал, факирларга ёрдам бўлади.

«ПОСТДА» АНКЕТАСИ

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ЭЪТИРОЗЛАР

Газетадан ўрин олаётган “Болалар” ва “Спорт” саҳифалари янада ранг-баранг бўлишини таъминлаш керак. Мунажжимлар башорати ҳар доим ҳам тўғри чиқавермайди. Баъзан берилаётган суратлар ҳажми катта бўлиб, газета саҳифаларида кўп жойни эгалайди.

Хукуқий маслаҳатхона саҳифасининг мунтазамлилигига эътиборни кучайтириш лозим. Ушбу саҳифа нафақат ички ишлар ходимлари ва балки кенг муштаријларни, қизиқтираётган масалаларни қамраб олиши керак. Таңқидий мақолаларнинг деярли берилмаслиги газетанинг таъсирчанлигига пуртур етказади, деб ўйлайман.

Биз тоғли худудларда хизмат қиласиз. Тоғликларнинг эса ўзига хос урф-одатлари, қарашлари бор. Бундай жойларда профилактика хизматини йўлга қўйишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Шу мавзуда ҳам туркум материаллар ёритилишини истардик.

Бекмурод ЭРГАШЕВ,
Бойсун тумани ИИБ ҲООБ
инспектори, лейтенант.

* * *

Газетанинг ҳар бир сонини оиласиз даврасида мутолаа қиласиз. Айниқса, “Турмуш чорраҳаларида” руқни “Спорт” саҳифаларидан ўрин олаётган мақолаларни мунтазам ўқиб борамиз. Хабарлар ва латифалар ҳам эътибордан четда қолмайди. Оилавий муносабатларга бағишиланган саҳифа ҳам ташкил этилса айни муддао бўларди. Яна бир таклифим, “Хизматларда” руқни остидаги мақолаларда ёш ходимлар, фахрийлар, уларнинг ҳаёти, ташвишу ўйлари, муаммоларига кўпроқ эътибор берилишини истардим.

Турсункул ХУДОЙҚУЛОВ,
ички ишлар идоралари фахрийи.



Ёйлар бўйича: 1. Замин. 2. Молия муассасаси. 3. Куй, оҳанг. 4. Адабий тўплам. 5. Ҳашарот. 6. Вафо. 7. Сабзавот экини. 8. Меваси қизил ёки қорамтири туслаги бута ўсимлиги. 9. Фарғона вилояти тумани. 10. Тоғлик жойларда ўсуви бир йиллик гиёҳ. 11. Оқ рангли, майин жунли қўй зоти. 12. Ем-ҳашак учун экилган ўсимлик майдони. 13. Сув гули. 14. Пахтани чигитидан ажратишида фойдаланилдиган қўйл асбоби. 15. Таниқли ўзбек кинорежиссёри. 16. Сув тегирмони. 17. Қамишсимон бўғимли қўй ўсимлиги. 18. Ҳиндистондаги шаҳарга номдош газлама. 19. Қадимда қофоз сифатида фойдаланилган қамишсимон тропик ўсимлик. 20. Жавзо ва Асад оралигига жойлашган бурж. 21. “Алпомиши” достони каҳрамони. 22. Миллий парҳез таом. 23. Курак оёқлилар туркумига мансуб сувда яшовчи балиқхўр күш. 24. Тошкент вилоятидаги канал. 25. Фаолиятга оид юқори ташкилотга бериладиган маълумот. 26. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 27. Осиё жанубидаги давлат пойтахти. 28. Ҳашаматли бино. 29. Қишлоқ хўжалиги асбоби. 30. Иш-улов жонивори.

Ф. ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ
Ёйлар бўйича: 1. Вена. 2. Вега. 3. Вона. 4. Воҳа. 5. Вето. 6. Веда. 7. Вила. 8. Виго. 9. Вафо. 10. Вава. 11. Винт. 12. Видо. 13. Виза. 14. Вилт. 15. Верн. 16. Веда. 17. “Вакт”. 18. Вази. 19. Ваза. 20. Ватт.

КРИПТОГРАММА

Очиқ сўзлар: 1. Бурч. 2. Баргак. 3. Бахши. 4. Сандон. 5. Қайла.
Ҳикмат: Айди: “Халқ ичра бу бир касбдур, касбни бошинга кийсанг наслбдур”. Гулханий.

Tahririyat hisob raqami:
 20210000700447980001,
 MFO 00421.
 «Ішқ ўйли» аksiyadorlik
 investitsiyaviy tijorat
 bankining Mirzo
 Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001690. Hajmi — 6 bosma taboq.
 Bosilish — ofset usulida. 52137 nusxada chop etildi.

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
- Müallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligiga uchun mualliflar javobgardirlar.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
 Yakka tartibda — 180
 Tashkilotlar uchun — 366
 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
 Bosishga topshirish vaqt — 23.00.
 Bosishga topshirish — 23.00.
 «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
 Koxona manzili:
 Alisher Navoly ko'chasi 30-uy.
 — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.